

Ўтган асрнинг олтишинчи йилларида Ўгат руда майдаловчи ва ювувчи қурилмалар, кон идораси, етти йиллик тўлиқсиз ўрта мактаб ва клубни айтмаса, одатдаги тоғ қишлоқларидан бири эди. Соё ёқалаб икки чақиримдан мўлроқ юқорилаб кетган қинғир-қийшиқ тошлоқ йўл четларига қурилган пастак-пастак лойсувоқ уйлар. Ўтаган мерганники қишлоқнинг энг юқорисида, бошқалардан узилиброқ қурилган уй. Шунинг учун қишлоққа яқинлаган тоғ йиртқиқлари аввало унинг ҳовлисига уюр бўлади. Хайриятки, Бўрибосари бор, узоқ йиллардан буён мол-ҳолини садоқат билан қўриқлаб келди.

Энди Бўрибосар қариди. Олдинги курак тишлари ва озиқ тишларининг айримлари чириб тушди. Ҳатто қозиқ тишлари ҳам сарғайиб бўшашди. Илгаригидай тишлаганини омбурдай сиқиб ушлолмаё қолган. Яқин-яқинларгача у бўриларнинг додини бериб келган. Ҳазабланганида оғзига илинган жойини узиб олар, суякларини қарсиллатиб синдириб юборарди. Қисмат экан, энди Мерганнинг кампири Ниҳолой момо пишириб берган аталага қаноат қилиб яшаб юрибди. Қаттиқроқ нарсаларга тиши ўтмайди. Аммо ҳануз уйи атрофига қашқир зоти яқинлашмайди. Йиллар давомида Бўрибосар ўтказиб келган зарбни унутишмаган чоғи, ё анча тепадан, ё хийла қуйидан айланиб ўтишади.

Бу ҳолат вақтинчалик эканлигини Ўтаган мерган яхши билади. Қашқирлар – сезгир ҳайвон, бугун бўлмаса эртага Бўрибосарнинг ҳоли забун бўлиб қолганини пайқашади. Ўшанда ҳовлисига тўғри бостириб келаверади ва тобора кучи кетаётган итдан аламларини олади: ё ўнганмайдиган даражада майиб қилишади, ё биратўласи ўлдириб кетади. Қўй-эчкиларига қирғин солади. Қашқир иккита-учта бўлса, урди Худо: қўшотар билан ҳам уларга бас келиш қийин. Шу туфайли яна бир зотдор кучукбачча топишнинг пайига тушди. Тарбияси билан ўзи шуғулланади.

Бундай кучук ҳадеганда топила қолмади. Диққати ошиб юрган кунларнинг бирида Уйлиқма қишлоғида яшовчи Қамчибек кўсанинг қанжиғи ҳақидаги узунқулоқ гапларни эшитди. Айтишларича, ҳар йили кузнинг охирларида бу қанжиқ бир ойдан зиёдроқ уйдан кетиб қолар, қаерда ва қандай юрганини ҳеч ким билмасди. Фақат бир марта қайсидир чўпон унинг зўр арлон^[1] билан юрганини кўриб қолган. Кейин яна уйда пайдо бўлиб, кўкламнинг ўрталарида битта, баъзан иккитагина бола туғади. Бироқ кучуклари узоқ яшолмайди, ёшига етар-етмас бўрилар ўлдириб кетишади. Итдан туғилган бу зурриёд қачондир ўзларининг ашаддий кушандасига айланиши

мумкинлигини билишса керак-да.

Ўтаган мерганга кучукнинг айнан шунақаси керак. Бироқ Қамчибек кўса осонликча “жон” берадиганлардан эмас. Бориб турган зиқналигини Мерган яхши билади. Ҳовлисидан бир кафт тупроқ сўрасанг бекорга бермайдиганлар тоифасидан. Кўнглини топиш керак.

У шунисига ҳам рози: бир эчки ё тўқли келажакда бўрибосар бўлиб етишадиган кучук баҳосига нисбатлаганда жуда арзон. Аммо ҳалол молни билиб туриб ҳаром кучукчага алмаштириши қандай бўлади? Элда бунақаси бўлмаган. “Фалончи пулга ё молга кучук сотиб олипти”, – деган гапни сира эшитмаган. Эшитган қулоққаям эриш туюладиган гап-да ўзи. Қолаверса, мусурмончиликка ҳам тўғри келмайди.

Мерганни шу масалалар ўйлантириб қўйди. Ҳар эҳтимолга қарши орқаворатдан Кўсаннинг ити болалаган-болаламаганлигини суриштириб юрди. Туққанини эшитгач бошини ачитиб юрган масалаларни бир четга суриб қўйди. Орадан бир ҳафтани зўрға ўтказиб, тўғри уйига борди ва гапнинг пўскалласини айтди:

– Яқинда тувилфон гидигингди^[2] сўраб келдим, шуни менга бер.

Қамчибек кўса Мерганнинг ихчам жуссасига, қирғийникига ўхшаш бурни, ўткир кўзларига бефарқдек тикилди. Туксиз иягини гўё бит чаққандай бир-икки қашиди. Кейин асл ниятини англаб бўлмайдиган қилиб тўнғиллади:

– Итим биттагина тувди, гидиги ўзимга керак...

– Ҳали-ҳозиргача бирор гидигингди қашқирдан олиб қололмаганингди биламан. Мунисиниям асраб қололмайсан.

– Аввалгилари менга керак эмасди. Шуний-чун қўриб ўтирмафонман. Мунисини уйимди тўрида бўлсаям асрайман.

– Уйингди тўрида асрасанг, ўзинг ҳам итқушға^[3] ем бўласан. Бола-чақангди ўйламайсанми?

- Буёғи мени ишим, сенга нима?

Ўтаган мерган ади-бади айтишишдан фойда йўқлигини сизди. Бу Кўса ўлса ўлади, ё кучукни қашқирга ем қилса қилади, лекин бировга текинга бермайди. Гапининг нишаби шу томонга кетаётгани билиниб турибди...

Яна ҳалол молни ҳаромга алмаштириш масаласи кўндаланг бўлди. Бунинг бирор маъқул йўли топилармикан? Кутилмаганда хаёлига зўр фикр келди: шундай қилса, назарида, ҳалолни ҳаромга алмаштириш эмас, ҳалолни ҳалоллик йўлида сарфлайдигандай туюлди. Кўсанинг қўли қисқароқ. Балки зиқналиги шунинг оқибатидир. Битта молни унга садақа сифатида берса биров айбситмайди.

- Менга қара, ошна, ўтган оқшом нотоброқ туш кўриб, бир эчкини Худо йўлиға садақа қилишға ниятланиб эдим. Шунин сен ол...

Қамчибек кўса гапини бўлди:

- Итқушдан қочғон қанчиқди боласи бўрибосар бўлади. Бўрибосарди нархи битта эчки бўлама ҳеч замонда?

Мерган уни кўрқитмаса бўлмаслигини англади:

- Эчкимди ҳаром гидигинга алмаштираман деганим йўқ, Худо йўлиға садақа қилмоқчийдим. Олғинг келмаса олма, даюс кўса, сендан бошқаям оладиғон топилар. Гидигингди бермасанг, садқаисар, қашқир ўлдириб кетса уволи ёқангдан олади!

Мерган нақ нишонга урди. Қамчибек кўса бир зумгина ўйланиб қолди. Ўтаган мерганни билади: учига чиққан қайсар одам. Эжикилайверса кучугини олишдан воз кечиб, ҳозироқ ўйидан чиқиб кетиши мумкин. У эса кутилмаган жойдан келадиган нақдинадан қуруқ қолади. Аслида ортиқча итнинг унга сира кераги йўқ. Ортиқча ит - ортиқча нонхўр. Ўзи зўрға кунини кўряпти-ю, уни бошига урадимиз? Нархини ошироқчийди, холос. Битта итваччага ким ҳам бутун бошли бир эчкини берарди...

Ўтаган мерган кучугини сотиб олишдан орланаётганини сизди. Бу атрофларда ит ва кучук сотган ҳам, сотиб олган ҳам бўлмаган. Унга зарурат сезганлар ортиқча ити

борлардан сўрайди. Эгаси берса олади, бўлмаса йўқ. Ҳаром нарсани сотганлар ҳаромхўр номини олади ва бир умр қишлоқдошларининг маломатидан қутулолмайди. Бундай даҳмазанинг Кўсага нима кераги бор? Ундан кўра берганини олиб қолавер. Савдоми, садақами, нима фарқи бор? Муҳими – эшигинг мол кўради.

Шуларни ўйлаб Кўса бўшашди. Яна туксиз иягини қашиди:

- Сенга ҳазиллашиб ҳам бўлмайди, – деди сал чиройи очилиб. – Мунча жиззакисан-а?
- Ҳалол эчкимди ҳаром гидигингга алмаштирмақчи эмасман, – Мерган аввалги гапини жиддий такрорлади. – Уни садақа ниятида сенга бермоқчийдим...
- Мен ҳам гидик сотиб ақлимди еганимча йўқ. Ана, энасини қўйнида ётипти, керак бўлса олиб кетавер.
- Берман олиб кел, меҳнат қилиб тарбиялашга арзийдимми-йўқ, синаб кўраман. Арзимаса ўзингга тан...
- Бир хилда тоза ҳаддингдан ошасан-да...

У Қамчибек кўса келтирган малла рангига мойил кучукчани қўлига олиб, синчиклаб назардан ўтказди: кўзлари катта-катта, қимматбаҳо мунчоқдай ялтираб турибди. Демак, соғлом. Қулоқлари ота авлоди – бўриларникидай тикрайган. Бу – оддий итлар эшитолмайдиган жойлардаги товушни ҳам эшита олишидан далолат. Оёқлари узун-узун, йўғонгина. Оғзи ҳам катта, бўйни калтароқдай, бўриникидан кўра кўпроқ урушқоқ итларникига ўхшайди. Думи оталариники каби узунгина. Бу келгусидаги олишувларда унга ҳалал бериши тайин. Зарари йўқ, ёмғирли кунларда ўткир болта билан ярмини чопиб ташлаб, малҳам суриб қўйса бўлди. Шунда жароҳати қуртламай-сасимай тез битиб кетади. Тузалгач эгасига кек сақлашни унутиб юборади. Қашқирга олдирмай, қўрқув нималигини билдирмай бир ярим ёшга еткизолса, марра уники. Бироқ юраги қандай экан? Шуниям текшириб кўриш керак.

Кучукчадаги ижобий белгилар ўтаган мерганни қувонтирди. Аммо яна бир ишқал чиқармасин деб, кўнглидагини Қамчибек кўсага билдирмади. Тўнгроқ овозда четроқда турган ёғоч сандални кўрсатиб буюрди:

- Анавини келтир-чи.

Баландгина сандал келтирилгач, кучукчани устига қўйди. Қани, юраги бетлаб пастга тушолармикан?

Кучукча ғингшиб, сандал устида бир-икки айланди. Онасини излади, шекилли. Кейин эшик тарафдан қўрқмай пастга сакраб, ўмбалоқ ошиб тушди. Дарҳол оёққа туриб, онаси ётган томонга алпанг-талпанг юриб кетди.

Ҳаммаси жойида: натижа кутганидан ҳам яхши, юраги ҳам, фаҳм-фаросати ҳам аъло даражада. Худо хоҳласа уни теварак-атрофга донғи кетадиган ит қилиб тарбияласа бўлади!

Қамчибек кўса кучуги Мерганга ёқмай қолишидан чўчиб турганди. Юзларига разм солиб, хавотирланишга ўрин қолмаганини сизди. Бундан дадилланиб:

- Қалай? - деб сўради иягини қашиб.

- Бўлар-ов... - у атай мужмалроқ жавоб берди. - Бироқ яна бир ҳафта қараб турасан. Зарур ишларим бор. Битиргач эчкини келтириб, гидигингди олиб кетаман.

- Жуда қувсан-да, гапди чийламай “гидигинг менга ёқди” десанг ёқангдан олмайман-ку...

- Эҳтиёт бўл, - Мерган гапини бўлди. - Муниям қашқирға ем қилиб қўйма тағин.

- Кунлар илиб қолди. Бундан буёқ итқушлар қишлоққа доримайди.

- Гидик ўзини тутиб, у ёқ-бу ёққа дайидийдифон бўғонида олади-да уни.

Бунини ўтаган мерган яхши билади. Айтиб бўладими, ҳар эҳтимолга қарши тайинлаб қўйишни лозим топганди. Ўз майлича кучукни бу ерда бир кунга ҳам қолдирмасди. Бироқ туфилганига энди ўн кундан ошди. Яна бирор ҳафта онасини эмиб тургани маъқул туюлди. Она сути итнинг боласигаям ҳам дори, ҳам озиқ - камида ўн беш-ийгирма кун тўйиб эмган кучук, ҳар ҳолда, ўзини анча тутиб олади. Кейин эчки сути ва

атала билан боқса ҳам бўлади.

* * *

Ўтаган мерган уйига келибоқ қўрасининг ўртасидан кучуквачча учун ўра ковлашга тушди. Бунда у ўсаётган кучук билан қўй-эчкилари бир-бирининг исига кўникиб, эликиб ўсишларини назарда тутди. Уни тўғридан-тўғри қўранинг ичига қўйиб бўлмасди. Янги қўзилаган совлиқ ва эчкилар боласини қизғаниб, уни шохлаб майиб қилишлари, ҳатто ўлдириб қўйишлари мумкин. Қолаверса, кучуги қўрқоқ бўлиб ўсади, юрагида қўй-эчкиларга меҳр ўрнига қаҳр туйғуси кучаяди. Ўрада эса у бежавотир улғаяди.

Заранг ва тошлоқ жойдан ўра ковлашнинг ўзи бўлмайди. Эртасига ўғли Шукурбекни ҳам кондаги ишидан олиб қолиб, тонгдан шомгача тинимсиз ишлаш эвазига чуқурлиги қарийб икки одам бўйи келадиган ўрани ковлаб бўлишди. Кучукчанинг бемалол ҳаракатланиши учун оғзини торроқ, пастини кенгроқ олишди. Ичига тушиб чиқиш учун шоти ясашди. Ўра усти берк қўранинг ичида бўлганидан, қор-ёмғир сувлари тушмайди. Аммо қўзи-улоқлардан бирортаси ўйноқлаб, тушиб кетиши мумкин. Шу тўфайли шотини узунроқ ясашди. Устини кигиз билан бекитганида ўртаси кўтарилиб туриши лозим. Кигиз у ёқ-бу ёққа сурилиб кетмаслиги учун тўрт бурчагига тош бостирилса кифоя. Кучукнинг тагига ҳам бир парча кигиз тўшалса иссиқ ётади...

Эртасига ўғлини ишига жўнатиб, ўзи тоғдан чангал ташиди. Шу пайтгача қўрасига бўри зоти даф қилолмаган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиши гумон. Кучугини асраши керак. Бўри ўзининг ёвини омон қўймасликка интилади. Чорасини кўрмаса Кўсаннинг уйидагидек, Мерганнинг қўрасида ҳам уни ўлдириб кетишади. Уйи қишлоқдан ярим чақиримча юқорида бўлишига қарамай атрофи чангал билан ўралгани ва Бўрибосари тўфайли қашқирлар қўрасига даф қилолмасди. Энди уни тиканли буталар билан янаям мустаҳкамроқ ўраши керак.

Ҳафта охиригача қўра атрофини икки газ энлиликда чангал билан мустаҳкам ўраб

чиқди. Ўзлари ва қўй-эчкилар кириб чиқадиган йўлакка ҳам чангални шундай устакорлик билан босдики, эрталаб ва кечқурун уни қийналмай очиб ёпса бўларди. Энди бутоқларнинг ўткир тиканларини босиб қўрага бўри тугул одам ҳам ўтолмасди.

Янаги ҳафта бошида, туғилганига йигирма кун тўлганида, кучукчани келтириб ўрасига қамади. Оҳ, она сути! У ой охирига қадар онасини қўмсаб зорланиб ғингшиди. Ўтаган мерган тишини-тишига босиб, бу зорланишларга зўрға чидади. Олдига қўйилган эчки сутини ижирғаниб ялар, сутда пиширилган буломиққа умуман қарамасди. Мерган ҳар кунни ўрага бир неча марта тушиб унга сут ва сув берар, тагини тозалар, қашлар, ўзича боладай эркалатарди. Шунинг натижасими, у эгасига ўргана бошлади. Ёнига тушса йиқилиб-суриниб ўйноқлайдиган, эплаганича сакрайдиган, қувонч ва миннатдорлигини билдираётгандай оёқ-қўлларини ялайдиган ва беозор тишлайдиган бўлди. Бора-бора олдига қўйилган егуликларни ҳам паққос туширадиган бўлди.

Мерган ўзи ковлаган “зиндон” тепасига бошиданоқ қўй-эчкиларини қамади. Дастлаб улар ўзлари учун ғалати туюлган ғингшишдан ҳуркиб, чуқурдан четлаб туришди. Эчкилар – шайтон, тездаёқ кучукчани менсимай қўйишди. Айримлари қизиқсиниш билан журъат қилиб ўра четига келар, кучукни нега унга ташлаб қўйишганидан ҳайратлангандай бирпас тикилиб туришарди. Кейин жойларига қайтиб, кавш қайтарганича бемалол ётиб олишади. Кўп ўтмай қўйлар ҳам кучукнинг ғингшишига ўрганиб қолишди. Эчкилардек ўра четига боролмасалар-да, аввалгидек безовта бўлишмасди. Кучук ҳам бора-бора тепадаги ҳайвонлар ҳиди ва эгасига ўрганиб, бўлар-бўлмасга ғингшишни бас қилди.

2

Бир йил тоғ дарёларидай шалдираб-гулдураб ўтди-кетди. Борлиқни кўзни қувонтирувчи турли ранг ва хушбўй гулларга тўлдириб баҳор келди. Энди бир ёшга тўлган кучук ростакам итга айланди. Бўйи ҳам кичикроқ тойхардай бўлиб қолди. Қари Бўрибосарнинг ҳуришини эшитса у ҳам тумшуғини осмонга кўтариб ҳид олар, ўзи

ўрганган ислардан бошқасини туйса чуқур бўйлаб безовта айланар, ўктам товушда узиб-узиб ҳуради. Аммо тепага чиқишнинг иложини тополмасди.

У тепагинасида юрадиган ҳайвонлардан ташқари одам зотидан икки кишига – эгаси Ўтаган мерган билан қўшнисининг тўққиз ёшлардаги ўғли Деҳқонбойгагина ўрганди. Тўғри, баъзан эгасининг ўғли Шукурбой ҳам ёнига тушиб туради. Бирпас уни ўйнатган бўлади-да, чиқиб кетади. Кўпинча келиб тепадан қараб кетади. Пастга тушиб ўтиришга вақти бўлмайди.

Мерган уида бўлмаган пайтларда унинг топшириғига кўра итнинг ош-сувини Деҳқонбой беради. У ҳам эгаси каби итни қашлаб эркалатади, ундан фарқли равишда баъзан “кураш” тушади. Олишувда кўпинча ит зўрлик қилади. Уни тагига босиб олганича у ер-бу ерини “тишлаб”, чиройли ириллайди ва салдаёқ сакраб туриб кетади. Кейин қайтадан олишишади. Бундан иккаласи ҳам ўзгача бир завқ туйишади. Аммо ит унинг баданига бирор марта тишини қаттиқ ботирмаган, озор бермаган.

Деҳқонбой – тўладан келган, қорамағиз, қўй кўзлари ёниб турадиган зийрак бола. Итга шу пайтгача ном берилмаганидан, ўзича уни Васка деб атади. Шу исми эшитса, ит ҳам ўйноқлаб қолади.

Мерган бу номни биринчи марта эшитганида ҳайрон бўлди: атаманинг русча исм эканлигини билади, аммо уни нега шундай атаганини билолмади. Шунга қарамай қаршилиқ қилмади. Бола-да, кинодами-китобдами кўриб ё ўқиб, шу отни ёқтириб қолгандир деб ўйлади. Негадир итини бу ном билан атагиси келмади. Балки итга одамнинг отини қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблагани учун шундай қилгандир. Эҳтимол, феъли-хўйига қараб кейинроқ дуруст бир от топилса, бунисини ўзгартириш қийинмас деб ўйлагандир...

Кузнинг ўрталарида, Васка бир ярим ёшга тўлганида, Ўтаган мерган уни ўрадан чиқарди. Бу пайтда ўзи ҳадиксираб юрганидай, кекса Бўрибосарини қашқирлар ўлдириб кетишган эди. Рўй берган ҳодиса уни янаям ҳушёр бўлишга ундади-ю, начора! Васкани ортиқ “зиндон”да қолдириб бўлмасди. Шундай қиладиган бўлса яна ярим йилдан кейин ит ичикиб, атрофидаги кўп нарсаларга бефарқ қарайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун беш-олти кун юқорида, қўй-эчкилар орасида сақлади. Уларни

яқиндан бир-бирларига кўниктиришнинг энг мақбул воситаси – шу. Энди эчкилар итга даф қилолмайди. Ит ҳам уларга бегонасираб қарамайди.

Бу орада Ўтаган мерган ўрани кўмдириб ташлади. Кейин қўшотарини елкасига осганича қўй-эчкиларини ўзи боқди. “Ўзи боқди” дейиш, балки, нотўғридир. Тўғриси, баланд туятош устига чиқиб, кун бўйи итига буйруқ бериб ўтирди. Ушоқ моллари узоқлаб кетадиган бўлса:

– Васка, қўйларни қайтар! – деб турди.

Бир-икки кун ит эгасини тушуна олмади. “Нима деяпсан ўзи” дегандай унга анқайиб қараб, ўтган баҳорда ярми кесилган чўлтоқ думини ликиллатиб тураверди. Шундан кейин ёнига бориб буйруғини такрорлайдиган бўлди. Барибир фойдаси тегмагач милтиғини силкитганича дўқ қилиб, уни ушоқ моллари ўтлаб кетаётган томонга ҳайдади. Анча уринишлардан кейин Васка, ҳар қалай, ниманидир англагандай бўлди ва тобора узоқлашаётган жонлиқлар томон зинғиллаб кетди. Олдини ўраб ириллаганича уларни ортига қайтарди. Яқинлашгач, ёнларидан чопиб ўтиб Мерганнинг ёнига келди ва “яна топшириқ борми?” дегандай думини ликиллатиб турди. У эса силаб-сийпалаб мақтаб қўйди:

– Яша, Васка, боқса одам бўласан! Баракалла!

У итини ўзи истамаган ҳолда Деҳқонбой ўргатган ном билан аташга мажбур бўлаётган эди. Аксинча, эгасини тушунолмай гангиб туравериши мумкин. Топшириқлари аъло даражада бажарила бошлагач, унинг ёқимсиз номини яна тилга олмай қўйди. Энди тошдан тушиб ҳам ўтирмасди. Кўрсаткич бармоғини қўйлар томонга чўзиб, нима қилиши кераклигини айтади – тамом. У топшириқни кам-кўстсиз бажаради.

Шу кундан бошлаб Ўтаган мерган кампири Ниҳолой момо олдига ўзлари қандай овқат еса, итига ҳам шу овқатдан бериш талабини қўйди. Қаттиқ турмаса у ювиндими, қаттиқ-қуттуқ нонми бериш билан кифояланиши мумкин. Буниси камлик қилгандай, Васканинг ялоғини ҳар куни бир марта тозалаб ювиб туришни буюрди. Кампирга, айниқса, шу талаб малол келди: “Итнинг оти Бойтўбат, деганлари шу-да”, – деди ичида ёғиниб. Норозилигини эрига очиқ билдиришдан қўрқди. Айтса, бу қайсар чол уни

қандай балоларга гирифтор қилишини Худо билади. Дастурхонда қоладиган суякларни йиғиштириб, Мерганнинг ўзи итялоққа ташлаб келади.

– Тиш ва жағ – итнинг асосий қуроли. Суяк ғажиб турган итнинг жағи мустаҳкам, тишлари маҳкам бўлади...

Қўйларни Васканинг ўзи бошқариб боқаверадиган бўлиб қолди. Энди эгаси олдида ўралашавермасди ҳам. Яйловга етгач, ҳеч қандай буйруқсиз одатдаги вазифасини бажаришга киришиб кетаверади. Мерган шунчаки “кўз” бўлиб, вақтини беҳудага ўтказарди. Шунинг учун қўйларни ўзига қолдириб, итини синаб кўрмоқчи бўлди.

Кейинги ҳафтанинг бошида у Васкани эргаштириб, қўй-эчкиларини ҳар кунгидек яйловга ҳайдади. Мўлжалидаги жойга етгач жонлиқларини қолдириб, ўзи тоғ тепасига ўрлади. Ити ортидан эргашганди, пўписа қилиб, қўйлари ёнига қайтарди. Энг юқорига чиққач, ўзини тошлар панасига олди. Шабада терс эсаётганидан ҳиди итгача етиб бормаслигини билади. Шунинг учун тепадан унинг ҳаракатларини бамайлихотир кузатди. Ҳаммаси кўнглидагидай – ит серканинг олдига тушиб олди. Маълум масофага етгач тўхтаб, уни ортга қайтарди. Ёнларидан югуриб ўтиб, яна олдиларига тушди ва уйқусираётган инжиқ боладай секин, бир маромда кета бошлади. Серка ундан олдинга ўтишга ботинолмайди.

Қуёш тоғлар ортига ўтиб кетди. Молларнинг қайтиш вақти бўлди. Негадир эгасидан дарак йўқ. Кун бўйи қорасини кўрсатмади. Бундан Васка безовталана бошлади. Илгари сира ёнларидан кетмасди. Бугун нима бўлди?

Ит қўй-эчкиларни олдига солиб, уйи томонга шиғаб ҳайдади. Мерган буларни тоғ тепасидан ҳайратланиб кузатиб турди. Нега у жонлиқларни бунчалик тез ҳайдаяпти? Атрофда бирор йиртқич пайдо бўлдимикан? У қуйини синчиклаб назардан ўтказди. Бирор хавfli нарсани кўролмаса-да, шубҳаси тарқамади. Қашқир келган бўлса, тамом, Мерган етгунича у итни ҳам ўлдиради, қўй-эчкиларини ҳам қириб кетади.

У ўзидан, бемаъни синовларни кўпайтириб юборганидан қаттиқ ўкинди. Ити энди вояга етганида ундан айрилиб қолиш Мерган учун катта фожиа. У ҳали куч-қувватга тўлиб улгургани йўқ. Бўри билан олишишга тажриба ҳам керак. Кечагина ўрадан

чиққан итваччада тажриба нима қилади? Қашқирнинг зўрроғига рўпара келса уни бир зумдаёқ тинчитади. Ҳай, аҳмоқ чол, олтмишдан ошиб ҳам ақл топмаган тўнка!..

Милтиғини отишга шайлаб ўрнидан сакраб турди. Ҳаллослаб пастга югурди. Шунда бирдан ўзи томонга шамолдай елиб келаётган итига кўзи тушди. Қувонганидан югуриши секинлаганини ҳам сезмади. Демак, у эгасидан хавотирланган, уни қидириш, имкони борича жонига ора кириш учун қайтди! Молларни уйга элтиб, кейин излаш кераклигини билганини қаранг! Кўз тегмасин, туф-туф! Ит бўлсаям одамдай ақлли, баъзилардан фаросатлироқ...

Ўтаган мерган, назарида, пастга томон аввалгидан ҳам тезроқ, мисоли шамолдай учди. Кутилмаганда нимагадир суриниб, ўмбалоқ ошиб кетиши мумкинлигини ҳам ўйламади. Кўнглида муқим бир сўз айланади: “Тезроқ, тезроқ, тезроқ!”

У ити билан сойдаги энсизгина текисликда бақамти келди. Васка отасини соғиниб, қувонганидан ўзини йўқотган боладай югуриб келиб елкасига осилди. Юзи, бўйнилари искаб, ялаб ҳам юборди. Шунгача Мерган фақат уни силаб-сийпаб эркалатгани бўлмаса, бирор ит зотига ўзини ялатиш нари турсин, ўйноқлаб у ер-бу еридан тортқилашига ҳам йўл бермаган. Ҳатто вафодор ити Бўрибосарнинг ҳам бундай қилишига йўл қўймаган.

Қаердадир қайсидир бир мулладан: “Итнинг нафаси ҳаром, у теккан буюмингизни етти марта ювдиринг. Нафаси танангизнинг қаерига тегса ҳам ғусл қилинг”, – деган гапни эшитган ва шу кунгача бу “ўғит”га оғишмай амал қилди. Шу дамда бирдан, эшитгани ва кўп йиллар амал қилиб келгани барча ўғитлар ўлди, насиҳатлар унутилди. Ўша мулла бирор кимсага шу итчалик меҳр берганмикан, деган фикр ўтди кўнглидан. Шунданок, Мерганнинг наздида, ўша мулланинг барча пандларига ўт кетди, куйиб кул бўлди!..

Кутилмаганда у ҳам итини қучоқлаб олди. Жигаргўшасини соғинган отадай юзларига юзини босди. Милтиғини бир четга улоқтириб, Деҳқонбойга ўхшаб олишиб кетди: гоҳ йиқитди, гоҳ йиқилди. Васка у ер-бу ерларини беозор тишлайди, шодон ғингшийди. Мерган қулоқларидан тортқилайди, биқинларини беозор чимчилайди, сойни тўлдириб қаҳ-қаҳ уради. Ҳаммаси беозор, ҳаммаси дўстона, ҳаммаси табиий – гўё ота-

боланикидай!

3

Турли юмушлар билан андармон бўлиб, Ўтаган мерган ов мавсумининг икки ойини ўтказиб юборганини сезмабди. Дам олиш кунларининг бирида молини Деҳқонбой билан итига қолдирди-ю, ўзи овга тайёрланди: сочма ва якка ўқлар жойланган ўндан ортиқ патронни белидаги ўқдонига михлаб ўрнатди. Ортига қанжиғасини боғлади. Белбоғига битта нонни ўраб, уни ҳам белига тугди. Устидан йўлдаги булоқлардан тўлдириб олиш мақсадида сувдонини илди. Юқорида, тошлар орасида юрганида сув топилмайди. Сойга тушиб чиқишига вақт кетади.

– Кечқурун қайтаман, – деди Ниҳолой момога ва милтиғини елкасига осиб, Қорақуш томонга чиқиб кетди.

Биттадан қуён ва каклик отгани бўлмаса, Қорақуш атрофларида ови юришавермади. Шу сабабдан узоқроқ бўлса-да, Осмонсой тарафларга йўл олди. Кеч пешингача саккизта каклик, иккита қуён ва битта жайра отди. Икки ўқи зое кетди. Ўқдонига атиги битта “чўчқа” ўқ^[4] қолди. Ҳар эҳтимолга қарши уни милтиғига жойлаб ортига қайтди. Йўл узоқ, шомгача уйга етсам ҳам катта гап деб ўйлади...

Ўзи бир-икки марта устига чиқиб дам олган туятошдан эллик-олтмиш қадам узоқлашганида йўлидан катта бир қашқир тўсиб чиқди. Қорли-қировли совуқ пайтларда ўлжа тополмай қолмаса, ҳозиргидек очиқ кунларда ҳар қандай баҳайбат бўри ҳам одамга даф қилмасди. Буниси ё ўта оч, ё одамхўр қашқирлардан бўлса керак. Бирданига ҳужумга ўтмади-ю, ўтиб кетишига йўл ҳам бермади. Рўпарасига чўччайиб, думига ўтириб олди. Оралиқ масофа бор-йўғи йигирма қадамча келади.

Ўтаган мерганнинг баданидаги ҳар бир тук кийимларини тешиб юборгудай тикрайиб кетди. Энди ўлдим, деб ўйлади, бу кимсасиз тошлоқларга мени ажал етаклаб келган

экан-да! Милтиғини беихтиёр бўрига тўғрилади-ю отмади. Нишонни аниқ уролса яхши, салгина хато кетиб уни ярадор қилса иши чатоқ. Дунёда яраланган қашқирдан даҳшатлироқ махлуқ бўлмайди. Жони чиқаётган ҳолатидаям ўзини отади ва ғанимини бурдалаб ташлашга интилади.

Мерганнинг милтиқ ўқталганини кўриб, бўри ҳам оёққа қалқди. Тишларини иржайтириб ириллади-ю, даф қилолмади. Афтидан, қўлидаги асбобнинг нималигини билади.

Тикилишиб бир жойда узоқ туриб қолиш хавфли. Тоғма-тоғ изғиб, Мерган анча толиққан. Отишни пайсалга солаётгани бўрига далда бериб, кутилмаганда ташланиб қолиши мумкин. Шу туфайли нишондан кўзини узмай тисланиб, аста тош томонга силжиди. Эсон-омон унга етиб ололса бўлгани, қонхўр ёвидан кутилгани шу.

Қашқир ҳам ўрнидан қўзғалди. Тезлаб озгина юрди. Оралиқ масофани сақлаб, барибир яна секинлади. Тошгача шу тарзда бораверишди: бири тисланиб, бири юзма-юз. Мўлжалидаги жойга етгач, Мерган тўхтади. Ғаними ҳам. У тезгина тошга назар ташлади. Илгари сира баландлигини чамаламаган экан. Тахминан уч қулочлар бор-ов. Орти чуқур зовлигини билади. У тарафдан жондор тугул калтакесак ҳам чиқолмайди. Олди анча тик ва силлиқ. Ҳар-ҳар жойида фақат тажрибали одамгина ушласа ва тепага кўтарилса бўладиган бўртик ва ўйиқлари бор. Бошқа бирор жонзот буни эплломайди.

У илгари тошга ҳеч қандай таъқибсиз, бамайлихотир чиқиб тушарди. Энди ундай қилиб бўлмайди: иложи борича тез – қашқир етиб келгунича чиқиб улгуриши керак. Акс ҳолда...

Ё Худо, аросатда қолган бандангни Ўзинг қўлла!

У зумдаёқ милтиғини елкасига осиб, ўзи билган бўртиқлардан ушлаб юқорига ўрмалади. Милтиғи ва қанжиғасидаги зотлар озроқ ҳалал берса-да, бу сафар ҳам тош тепасига вақтида чиқолди. Бўри аввалига унинг нима қилаётганини идрок этолмади, шекилли, анқайиб қараб турди. Яримдан ўтганидагина ўқдай отилди. Аммо кечиккан эди. Шунга қарамай етиб келиб ўзини баландга отди. Икки қулочдай кўтарилиб,

сирғалиб пастга тушиб кетди. Бақувват панжалари ва ўткир тирноқлари ҳам уни тош юзасида тутиб қололмади. Кетига тисарилиб, тағин юқорига сакради. Бу гал Ўтаган мерганга етишига атиги беш қаричдайгина қолди.

Учинчи ҳамлада қашқир менгача кўтарилади, деган фикрдан Мерганнинг ҳуши учди. Озод ўрнидан туриб, милтиқ нилини унга тўғрилади. Боз ҳамла қиладиган бўлса, кўксини мўлжаллаб отишни ўйлади. Яқиндан отилган якка ўқ кўкрагини тешиб, елкасидан ўпириб чиқишини билади. Шунда бўри дарҳол ўлмаганидаям тажовузкорлигини йўқотади. Наридан борса беш-олти дақиқалардан кейин ўлиши муқаррар.

У қайта ҳамла қилмади. Юқоридан икки марта сирғалиб тушиб тирноқлари ларзон егандир. Панжаларидаги оғриқ шаштини қайтарган бўлса ажабмас. Балки минг сакраганидаям тошнинг устига чиқолмаслигини сезгандир. Нима бўлганидаям у йигирма қадамча ортига тисарилиб, тумшуғини олдинги оёқларига қўйганича ётиб олди. Ҳазаб учқунланаётган кўзларини ҳамон Мергандан узмасди...

Орадани икки соатларча вақт ўтди. Қуёш порпора ботиб, тун қоронғилиги бошланди. Қашқирнинг кетадиган ё нимагадир алахсийдиган тури йўқ. Ярим кеча бўлди ҳамки вазият ўзгармади. Мерганнинг хаёлига тунги овоз узоққа кетади, деган фикр келди. Ўрнидан туриб, кафтини оғзининг икки четига қўйганича бақира бошлади:

– Ҳо-ой, ким бо-ор? Қашқирди қамовида қолдим, ёрдам берингла-а-р!! Ҳо-о-йй...

Назарида ўн марта бақириб чақирдиёв. Овози тоғ унгуларини янградиб юборди. Ҳар гал бирор жавоб эшитиш умидида диққат билан қулоқ тутди. Фойдасиз: ўзи кутган жавобни эшитмади. Шундан кейин четдан ёрдам келишидан умидини узди. Ҳар қанча бақирмасин, товуши одамлар бор жойга етмаслигини англади. Бу пайтда ким ҳам қулозиган тоғ оралаб дайдиб юрарди? Пастдаги энг яқин қишлоқ у турган жойдан камида ўн чақиримлар узоқда. Ўзининг қишлоғи нисбатан яқин – етти чақиримча келади. Аммо оралиқни Қорақуш тоғлари тўсиб турибди. Ундан ошиб овозимни бирортаси эшитар деб ўйлаш – хомхаёл.

Онда-сонда аллақандай ҳашаротларнинг чириллаб қолиши, тун қушларининг совуқ ва

хунук сайроғи эшитилиб қолмаса, юракни эзиб юборадиган сукунат ҳукмрон. Кўкда сон-саноксиз юлдузлар жимирлашади. Атрофда ҳўмрайган тоғлар силсиласи. Баланд тош устида инсон, қуйида ғазабнок қашқир, бир-бирини еб-ютиб юборгудек пойлашмоқда. Одам пастга тушолмаганидек, бўри юқорига чиқолмайди. Ноилож бир-бирига тиш қайрашади. Бундай ғалати кўргиликка иккаласи ҳам чидашга мажбур.

Мерганнинг назарида тун ярмидан оғди. Шарқ уфқидан кўтарилган ой ўроғи анча кичрайган ва нури жуда хира тортган. Нарироқда, тошлар орасида кўзини ундан узмай ётган бўри ҳам элас-элас кўринади. Баланддалиги ва ой шуъласи тўғри тушаётганидан, қашқир уни аниқ кўраётган бўлса керак. Лекин у ҳам чорасиз.

Кун бўйи пиёда юргани ва бўри билан учрашганидан кейинги асабийлик Мерганни жуда толиқтирди. Чарчаганидан кўзлари юмилиб-юмилиб кета бошлади. Беҳудликда милтиғини тушириб юбормасликнинг ғамини еб, тасмасини бўйнидан ўтказиб олди. Бу фалокатдан қутуладиган замон бўлса, бирдан-бир ишонгани шу милтиқ. Ундан айрилса қашқирга ем бўлади ё тош устида ўлади. Бошқа ёқдан нажот келишига деярли ишонмай қўйди. Ўқи иккита бўлганида-ку, ўйлаб ҳам ўтирмай бу махлуқнинг тўшагини солиб қўярди. Наилож!

Имкон қадар ухлмасликка тиришса-да, аҳён-аҳёнда Мерганнинг кўзлари беихтиёр юмилиб кетади. Шунда тўрт, ё беш дақиқа қуш уйқусини олади. Шу ҳам кифоя қилиб, анча ўзини тутиб олади. Бироқ зийраклашгани узоққа бормайди. Эгни-боши унчалик юпун бўлмаса-да, тонгги совуқ шабада этларини жунжитиб юборди. Буниси янаям хавfli – совуқ уйқуни элтади. Қаттиқроқ ухлайдиган бўлса, ё зовга, ё қашқирнинг олдига юмалаб тушиши аниқ. Ҳар иккиси ўлим демак. Бу хатарнинг олдини олиш учун нимадир қилиши керак...

Белбоғида яримтача нон борлигини энди эслади. Сувдонини чайқатиб, озроқ суви қолганини аниқлади. Ноннинг ярмини синдириб, қолганини белбоғига қайта ўраб белига боғлади. Эҳтиёт яхши, рўпарасидаги балодан қачон қутулишини Худо билади. Қўлидагини аста чайнаб ея бошлади. Оғзи қимирлаб турса совуқни ҳам, уйқуни ҳам енгади. Боз устига қорни очиққан экан. Жон қайғусида буни сезмабди ҳам. Устидан икки ҳўплагина сув ичди. Уни ҳам тежаши керак. Одам очликка ҳафта-ўн кун чидаши мумкиндир, аммо ташналикка чидолмаслигини билади. Ўзининг замзама қилиб

юрадиган бир қўшиғини эслади:

Чўлларда ташна бўлдим,

Дайро суви не пойда.

Ўйламай қирға чиқдим,

Энди менга сой қайда...

Атиги эллик қадамча жойда – қуйида тиниқ чашма оқяпти. Унга боролмагани қандай кўргилик!..

Ниҳоят, зориқиб кутилган тонг отди. Бир соатлардан сўнг теварак бутунлай ёришиб, узоқлар ҳам кўриниб қолди. Лекин атрофда ғимирлаган жон кўринмади. Қашқир ҳамон ўрнида узала тушиб ётибди. Қонталаш кўзларини Ўтаган мергандан узмайди. Қорнининг қапишиб кетганидан очлиги шундоққина билиниб турибди.

Сал нафси ором топса даф бўлармикан, деган хаёлда қанжиғасидаги жайрани ечиб олдига улоқтирди. Бўри нинали терисидан бошқа ҳамма нарчасини, ҳатто ўзлари ёқтирмайдиган бош чаноғигача қасирлатиб еб бўлди ҳамки ҳеч қаёққа кетмади. Жойига бориб, яна аввалгидай ётиб олди.

Мерган бир эски мақолни эслади: “Қашқир бўлса оч, олов сермаб қоч”. Лекин олов ёқишга гугурт қани? Бўлганида устки кийимларини ёқиб бўлса-да, бир иложини топармиди? Барча кийимларини ёққанида қаергача борарди – Қорақушга етмай шир яланғоч бўларди. Кейин эса... Хўп бўлмағур мақолларимиз ҳам бор-да! Балки бирор манзилга, хусусан, уйига яқин жойда бу усул қўл келиши мумкин дир.

Икки йилда бир марта бўлсаям: “Фалон жойда писмадончини итқуш еб кетибди”, – деган узунқулоқ гаплар Ўгатга ҳам етиб келади. Бундай олди-қочдиларга у деярли

ишонмасди. Узоқдан келган гапларга кўпинча бўрттириш, баъзан ёлғон ҳам аралашади. Бола-чақани ебди дейишса, балки ишонарди. Кап-катта одамларнинг кашқирга ем бўлиши... Бунга сира ақли бовар қилмасди. Энди билаптики, бу гапларда жон бор. Милтиғи асқотмаганида ўзи ҳам манови махлуққа ем бўларди-ёв...

Таваккал қилиб, қуёнларидан бирини яна олдига ташлади. Бояги ҳол айнан такрорланди: бўри уни ҳам еб бўлиб, жойига бориб ётди. Овлаганларининг ҳаммасини берганидаям кетмайди, шекилли, бу падарқусур. Уни кучайтиргани қолади. Бу жуда хавфли, тўқ кашқир бор кучини тўплаб сакраса, ўтирган жойига ҳам кўтарила олиши мумкин. Нима қилса бўларкан?

Офтоб кўтарилиб, атрофни тобора қиздира бошлади. Ортидан енгилгина шабада эсмоқда. Қуёш нури эса пешонасидан уриб, борган сари мазасини кеткизмोқда. Қашқирга орқа ўгириб, юзини шабадага тутолмайди. Бунга манови йиртқич қандай қарайди? Унинг ҳар бир ҳаракатидан бохабар бўлиб туришга мажбур.

Тушга бориб қорни таталаб, ташналиги кучайди. Ноилож белбоғида қолган бир тўғрамдайгина ноннинг ярмини синдирди. Бир ҳўпламдай сув билан майда чайнаб еди. На қорни тўйди ва на чанқоғи босилди. Бошга тушса кўз кўрар, чидайди-да энди. Худо қарғаган бу тоғларда узоқроқ қолиб кетса нима бўлади? Уйидагилар, қариндош-уруғлари уни қидиришни ҳали-бери хаёлларига келтиришмайди чоғи.

Товуш бериб ёрдам чақиритишга яна бир уриниб кўрмоқчи бўлди. Ҳар ҳолда, ҳозирча қуввати бор, овози узоқроққа кетади.

Ўрнидан туриб кафтларини оғзининг четларига қўйганича, тўрт тарафга овозининг борича бақира бошлади. Тўрт-беш марта тўхтаб-тўхтаб бақиргач, атрофни диққат билан кўздан кечирди ва қулоқ тутди. Қани биров кўринса ё жавоб бўлса! Одамлар бу ёввойи тоғлар орасида юришни унутишган чамаси. Авваллари битта бўлсаям овчи ё мол-ҳолини қидириб юрган бирортасига дуч келарди. Энди нима бўлган, икки кундан буён на одам зотини кўрди ва на чақиритиларига жавоб олди. Балки манови одамхўрнинг шу ерларда пайдо бўлганидан кимдир хабар топган. Шу туфайли қуйидаги қишлоқларда яшовчилар молини тоғ тарафга ҳайдашни тўхтатишган. Қашқир у тарафларга тушолмайди. Тушса осонгина қопқонга илинишини билади.

Даштларда ўровга олиб бўлсада, уни тинчителишлари қийинмас...

Қуёш ботди. Алоқ-чалоқ хаёллар гирдобиди бўзариб янги тонг ҳам отаётир. Ҳаво хийлигина салқин бўлишига қарамай Мерганни ташналик жуда қийнаб юборди. Аслида бу ҳолат кеча кечқурунданоқ бошланганди. Қорни оч. Тез-тез ичи қулдираб қолади. Қарийб бўш ичакларда туриб қолган ҳаво у ёқ-бу ёққа суриляпти, шекилли-да. Шунга қарамай бир туюргина нони билан тўрт-беш ҳўплам сувини тежаётир. Сулайиб қолса бир гап бўлар, унгача чидаши керак.

Ҳадемай офтоб шуъласи пешонасидан уриб, роса тинкаси қурий бошлади. Лаблари қуруқшаб, тарс-тарс ёрилиш даражасига етгандай. Белбоғида айтгулик бўлмаса-да нон, сувдониди озгина сув борлигини билганиданми, энди очлик ва ташналикка чидаши қийин бўлиб кетди. Ноиложликдан оғзини номига ҳўллади. Охирги бурда нонни узоқ чайнади. Чанқоқдан сўлаги ҳам қуриб қолган чоғи, майда чайналган нонни ҳам ютиши қийин бўлди. Устидан бўлиб-бўлиб бир ҳўплам сув ичиб, ўзини салгина тетиклашгандай сизди. Энди уйқу ёлиб кела бошлади. Бундан қутулишга ҳарчанд уринмасин, баъзи-баъзиди кўзлари тўрт-беш дақиқага илиниб қолади. Одамзодга шу ҳам кифоя қиларкан, анча тетикланиб уйғонади.

Сонияларни санаб, учинчи кунни ҳам бир амаллаб ўтказди. Вақтнинг бундай имиллашини ўтаган мерган сира пайқамаган экан. Назарида ҳар доим қуёш у ёқдан чиқиб, бирпасда бу ёққа ботиб кетарди. Баъзан ишлари чала қолганидан ўкинарди. Вақт билан ҳаракат уйғунлашса шундай бўлади, шекилли. Аксинча, дақиқаларни санаб ўтираверасан: қанча диққинафас бўлмагин, ҳадеганда қуёш ботмайди, тонг отмайди.

Қуйида бўри, тош устида ўзи – бир-бирини пойлайди, бир-бирига сергак тикилишади. Иккисиям ғазабнок, бироқ иложсиз: бўри юқорига чиқолмайди, у пастга тушолмайди. Оқибатнинг қандай бўлиши номаълум.

У беихтиёр вақтнинг ҳам асирига айланиб қолганини англади.

Нонидан ушоқ ҳам қолмади. Оз бўлса-да суви бор. Ҳеч қурса лабини ҳўллаб туришига эртага ҳам етар. Етмаса, Худо пошша, қишлоғидагилар хавотирланиб қидириб қолишмаса, бошқа ёқдан ёрдам келишидан умидини узди. Таваккал қилиб, сўнгги

дақиқалардагина қашқирга ўқ узади. Ҳозирча жони бор, ўзини хавфга қўйиши шарт эмас.

4

Ўтаган мерганнинг уйдан чиқиб кетганига уч кун ўтиб, тўртинчи кун бошланди. “Кечгача келаман”, деганди. Шунча фурсат ўтса-да, дараги йўқлигидан Ниҳолой момонинг юрагига ғулғула тушди. Аниқ бир балога учраган, бўлмасам айтган вақтида келарди, ўйлади у.

Шу куни эрталабдан Васканинг ҳам тинчи бузилди: югуриб у ёққа боради, бу ёққа келади, ғингшиб ер искаланади. Излаганини тополмагач, бир четга ўтиб ётади. Кейин бирдан сакраб туриб ҳавони ҳидлаб қолди. Тоғ томондан эсаётган шабада ниманингдир исини келтирди чоғи, ўша томонга ўгирилиб, бўрига ўхшаб чўзиб улиди. Нимани пайқгани, нега чўзиб улиганини момо дафъатан тушунолмади. Балки итқушнинг исини олгандир, мени хавфдан огоҳлантираётгандир, деб ўйлади. Нима бўлсаям ўша тарафда бир гап борлигини англади.

Бир маҳал Васка тумшуғини осмонга чўзганича озроқ ҳид олиб турди-ю, ўқдай отилиб Қорақуш томонга чиқиб кетди. Шундагина момонинг хаёлига келган бояги фикр муқимлашди: Мерганга аниқ бир бало бўлган. Ит қашқирдан бунчалик безовталанмасди...

Дарҳол Деҳқонбойни чақириб тайинлади:

- Бованг тўрт кундан бери йўқ. Дарров одамларга хабар бер, уни излашсин!

- Ўтаган мерганнинг қаёққа кетганини ҳақиқатдан ҳам кўпчилик билмасди. Буни кейинги кунлардагина пайқашди. Бироқ, юргандир-да онг^[5] қувлаб, деб ўйлашди. Баъзан унинг бир-икки кунлаб овда қолиб кетадиган одати ҳам бор. Аммо уч-тўрт

кунлаб эмас. Кийик ё олқорнинг изига тушса шундай қилиши мумкин. Бу йилига бир марта ё бўлади, ё йўқ.

Тездаёқ момонинг уйи олдига ўнтача одам тўпланди. Ўзаро маслаҳатлашиб, икки гуруҳга бўлинишди. Бир гуруҳи узун сириқ ва паншаҳалар билан қуролашиб, Норвонсой томонга кетди. Иккинчи гуруҳдагиларда ўн олтинчи сумбали биттагина милтиқ ҳам бор эди. Улар Қорақушга, ит кетган тарафга йўл олишди.

Милтиқли гуруҳ Кичик Қорақушга ўрмалаган пайтда Васка Катта Қорақушдан ҳам ошиб, Ўтаган мерган билан қашқир юзма-юз турган жойга етиб келди. Уни кўриб Мерган ташналик ва очлигини бутунлай унутди. Қувонганиданми танасига аввалги қуввати ингандай бўлиб хитоб қилди:

- Вафодорим! Одамлар қолиб ёрдамга сен келдингми, ўзимнинг вафодорим!

Қувонганидан Мерганнинг кўзларига тирқираб ёш келди. Ота-оналари бу дунёни тарк этганида йиғлагани бўлмаса, эсини таниганидан буён ҳеч қачон кўзёш тўкмаган. Ҳар қалай, у кезларда ёш эди. Кўзёш тўкса тўккандир. Буни эслолмайди. Бироқ шодлиги узоққа чўзилмади. Шунчаки назар ташлашдаёқ итининг ҳали ёшлигини, куч-қувватга унчалик тўлиб улгурмаганини сизди. Қашқир билан олишиб кўрмаганидан, тажрибаси умуман йўқ. Шу кучуквачча қашқирга бас келармишми!

Қашқир йирик ҳамда бақувват эди. Итлар билан талашавериб, туллакка айланиб кетган бўлса ҳам ажабмас. Боз устига жайра ва қуённи едириб, ўзи уни қувватга индириб қўйди. Бу нотенглик қандай натижага олиб бориши маълум. У итини ғажиб ташламасмикан? Ё Худо, нега келди у!

Мерганнинг хавотирида чек йўқ эди.

Васкани кўргани заҳоти қашқир сакраб ўрнидан турди. Жунларини хурпайтириб, қорнини шиширди. Тишлари беихтиёр шақиллаб кетди. Мерганнинг хаёлига яна бир мақолнамо гап тушди: “Итга сириқ бермас бўп, қашқир қорнин қампайтар”. Васка эса бу пўписаларга парво қилмади. Йигирма қадамча оралиқ қолдириб, чўччайиб чўлтоқ думига ўтириб олди. Бошини мағрурона кўтариб, ғанимидан кўз узмай тураверди. Бўрига ҳатто ириллаб ҳам қўймади. Нега бундай қилгани номаълум.

Мерган итини қўрқув ҳиссини билмайдиган қилиб ўстирганини эслади. Бекор қилган экан, шекилли. Балки қўрққани тузукмиди? Шунда жони омон қолармиди? Ўзи эса бир иложини топиб, бу итқушни бир ёқли қиларди. Ҳай-йй! Ечими қийин масалага учради! Нима қилса бўларкин? Ё ҳаёт, ё мамот – қашқирга ўқ узсинми? Ҳозир шунинг мавриди келдимикан?..

Афтидан, Васка бўри билан қандай олишишни чамалаяпти. У эса итнинг ўз зурриёдларидан эканлигини сизди. Бу зурриёднинг инсон қўлида тарбияланиб тирик қолгани азал-абад ўзларига қон душман бўлиб келган. Шунинг учун қорнини шиширгани, тишини шақиллатганига парво қилмаяпти. Бундай пайтларда анов-манов итларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади. У эса қочмади.

Ўзига душман кўпайганидан, қашқир ҳушёрлигини оширди. Буни Мерган ҳам пайқади. Ити эгасига суяняптими ё юраги шунчалик бақувватми, билолмади. Ҳар қалай, бўрининг таъқибидан қутулиб кетишига унда энди умид уйғонди. Нима бўлганидаям Васка қўрқмаяпти. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Улар икки жон – ити у ёқдан ташланса, ўзи бу тарафдан ўқ узади. Икковлашиб йиртқични гумдон қилишар...

Имиллаб қолган вақт яна зувиллаб ўта бошлади. Икки ғанимнинг бир-биридан кўз узолмай турганига анча бўлди. Бўри онда-сонда Ўтаган мерганга шунчаки ёвқараш қилиб қўяди. Унинг фикри-зикри итда бўлиб қолди. Чунки милтиғини тўғрилаб турган овчига қараган пайтларида ит сездирмайгина бир қадам бўлса-да, ўзи тарафга силжиётганини пайқаган эди. Бунга йўл қўймаслик учун қорнини шишириб, жунларини ҳурпайтиради. Балки ниманидир мўлжаллаб, пайт пойлаётгандир. Аммо ҳозирча ботинолмаётир. Эҳтимол милтиқдан чўчиётгандир.

Мерганнинг кўнглига қашқирни чалғитиш керак деган фикр келди. Шунда ити бирор аъмолини топади. Оралари яқин, атиги ўн беш қадамча қолган. Васка бу масофани тўрт-беш сакрашда босиб ўтади. Душмани ўзини ўнглайман дегунича жон чиқар жойидан олиб қолишга улгуради. Ўзиям тепада томошабин бўлиб ўтирмайди. Икковлашса иш осон кўчади.

У қанжиғасида қолган қуённи шошилмай ечди-да, бўрининг олдига отиб юборди. Шунда унинг сасиганини сизди.

Балойи нафс – қашқир ғанимларини бир лаҳзага унутиб, емтикка ташланди. Васка пайдан фойдаланиб, у тарафга интилди. Очкўзлик қурсин, хўракни тортиб олмоқчи деб ўйлаганми, бўри қуённи оғзида тишлаганича ириллаб, орқа оёқларида тик турди. Бу ҳолати итга қўл келиб, охирги сакрашида бўғзидан ғарчча тишлади. Бақувват тишлари терисини тешиб ўтиб, кекирдагини омбурдай қисди. Оғриқнинг зўридан қашқир оғзидагини тушириб юборди. Ғазаб билан ириллади. Аммо ириллаши хириллашга ўхшаб чиқди. Тишларини шақиллатмоқчи бўлиб оғзини очди-ю, қайта юмолмай қолди.

Бўри емтикка ташланганидаёқ Мерган қанжиғасидаги сасий бошлаган какликларни ечиб, шодаси билан зовга улоқтирди. Чилвирини олиб қолиш учун уларни бирма-бир ечиб ўтиришга вақти қолмаган эди. Чилвир топилмайдиган матоҳми? Еб бўлмагач какликларни дардисар қилиб, кўтариб юриб нима қилади?

Туятошдан шошилинич тушди. Етиб боргунича бўри жон ҳалпида итни кўтариб, ёнидаги каттагина тошга айлантриб зарб билан урди. Бўғзини бўшатолмагач яна айлантриб иккинчи тарафга – ерга урди. Ит кучли зарбларга мардонавор дош берди: қашқирнинг бўғзини қўйиб юбормади. Тишлари кекирдагини исканжага олиб, уни тобора ҳолдан тойдирмоқда эди. Бу орада етиб келган Мерган сумбасини биқинига тираб, милтиғининг тепкисини босди. Йирик ҳайвонларга мўлжалланган якка ўқ биқинининг иккинчи томонини ўпириб чиқди.

Қашқир ўлаётганига қарамай, охирги кучларини тўплаб, у тарафга сапчимоқчи бўлди. Васка бунга имкон бермади.

Қашқир бир-икки аянчли хирқираб жон берди. Ит ҳамон бўғзини қўйиб юбормасди. Оғзига унинг иссиқ қони сизғиб тушмоқда эди. Ўтаган мерган боши ва тумшукларини силаб, унинг жағини куч билан йириб очди. Шундагина Васка бўрининг бўғзини қўйиб юборди. Сакраб турмоқчи бўлди-ю, аъзои бадани – қовурғаларигача қақшаб, инграганича жойга ётиб қолди. Бундан Ўтаган мерганнинг кайфи учди. Ерга-ку унчалик қаттиқ тегмагандир. Айлантриб тошга урганида қовурғаларини синдириб юборган бўлса ажабмас. Балки ички аъзолари ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетгандир.

У ерга ўтириб, итининг қовурға ва оёқ суяқларини бирма-бир текшириб чиқди. Уларда

бирор синиқ-мертикни тополмади. Тошга урилганида суяклари қаттиқ лат еган. Шу, холос. Ички аъзолари жароҳатланмаган бўлса бас, тезда бу азоблари ариб, ҳеч нарсани кўрмагандай бўлиб кетади.

Итини чақалоқдай опичлаб кўтарди-ю, уйи томонга йўл олди. Тўрт кундан буён оч ва ташналик азобида қолган одамнинг қарийб ўттиз килолик юкни бемалол кўтариб кетаётгани ҳайратланарли эди. Айниқса, ташналиқдан мадори қуриган киши бундай кучни қаердан олди? Тирик қолишга интилиш туйғуси, ўзининг омон қолишига сабабчи бўлган ит олдидаги бурч ва муҳаббатданми? Одамлар парвойи палак, бирортаси қидириб келмаган жойга жонини гаровга қўйиб у келди. Ўзидан кучлилигини билиб ҳам бўри билан тайсалламай олишди. У келмаганида ким билади, ўша туятош устида ўзининг ҳам ўлиги қолиб кетармиди?

Нимадан куч олаётганидан қатъи назар, Мерган дадил ва ишонч билан қадам ташламоқда эди. Сўқмоқ тобора ўрлаб кўтарилаётганига қарамай, уч чақирим йўлни бемалол босиб ўтди. Чарчоқ ҳисси эсига ҳам келмади. Катта Қорақушга яна икки чақиримлар қолганида ҳолдан тойиб, пишиллаб нафас ола бошлади. Дармонсизлик, барибир, ўзини билдирди. Нима қилсин? Итни шу ерда қолдириб, олиб кетишга қишлоқдан бирортасини эшак билан жўнатсинми?

Йўқ! Зинҳор бундай қилмайди. Бундай қилолмайди. Уни қаровсиз бу ерларда қолдириб бўлмайди. Ҳозирги аҳволида итини оддийгина тулки ҳам ўлдириб кетиши мумкин. Ўзи ўлса ўладики, халоскорининг ўлдирилишига йўл қўймайди! Ўзинг учун жонини фидо қилганга жон бермоқ керак! Инсоннинг инсонлиги шунда билинади. Аксича, одамнинг ҳайвондан қандай фарқи бор?

Ўтаган мерган итини бўлиқ хаслар устига авайлаб ётқизиб, ёнига ўзи чўк тушди. Елкаси, боши ва бўйнини анчагача силаб ўтирди.

- Вафодорим! - деди бир маҳал бошини бошига қўйиб. Шунда хаёлига дафъатан “Уни Вафодор деб аташим керак”, деган фикр келди ва буни овоз чиқариб айтди:

- Вафодорим! Сен ўз отингди ўзинг топдинг. Бугундан бошлаб отинг Вафодор бўлади. Васкаси нимаси! Тентак Деҳқонбой яхши кўрганидан, дуч келган отти қўйган-да. Сен

уйимди молтопари бўласан. Қўрам молга тўлиб кетганидаям, қашқир зотига битта тиррақи улоғимдиям олдирмайсан. Ҳали сен бутун қишлоғимди қўрувчисига айланасан. Ўшанда одамлар отингди қўшиқ қилиб, қўшиқ нима бўпти, дoston қилиб айтиб юришади!

Ит бошини бурганича заиф ғингшиб, Мерганнинг қўлларини ҳафсала билан ялай бошлади. Бу билан у ҳам эгасига миннатдорлик билдираётган эди: ёввойи тоғлар устида ёлғиз ташлаб кетмагани учун, оғир бўлса-да меҳр кўрсатиб, кўтариб келаётгани учун...

Ҳордиқ чиқариб, Мерган анча ўзига келиб олди. Лекин очлик, ташналик ва уйқу тағин ўзини сездира бошлади. Уларга бўй бермаслик учун Вафодорни кўтариб, қарийб бўйи бараварли текис ва силлиқ тош устига ётқизди. Унинг хийла оғирлигини шундагина пайқади. Опичлаб шунча жойга қандай еткизганига ҳайрон бўлди. Тошга орқа ўгириб, уст кийимининг этагини юқорига қайирди ва итини эҳтиёткорлик билан унга тушириб олди. Ҳозирги аҳволида бундай оғир юкни елкасида кўтариш осон ва қулайроқдай туюлди. Атиги тўрт кунгина илгариги қуввати бўлганида-ку...

Вафодорни елкасига олгани ва олдингига нисбатан камроқ юрганига қарамай, Қорақушга етгунича жуда ҳолдан кетди. Кун исиб кетгандай сув-сув терга ботди. Итини авайлаб хаслироқ жойга ётқизди-да, ёнига ўзи чўк тушди. Юз ва бўйниларини белбоғига артаркан, ўзича тўнғиллади: “Ташналикдан ўлай деб турган одамнинг терлашига бало борми!”. Назарида танасида қолган сўнги томчилар ҳам тер бўлиб чиқиб кетаётгандай эди. Бундайда у бутунлай хароб бўлишини англади. Олдини олиш керак. Лекин қандай қилиб?

Энди уйқу ва очлик ҳисси чекиниб, ташналик хуруж қила бошлади. Оғзи қуриб, лаблари гезарди. Оғзида бутунлай сўлак қолмаган, шекилли, ютинолмай ҳам қолди. Лекин умид... Инсон – умид билан тирик. Умиди сўнганларнинг ҳаёти ҳам сўнади.

Қорақушнинг тепасига чиқишнинг унга зарурати қолмаган. Итини кўтариб, ёнламасига яна уч юз қадамча босолса кифоя, уйи ва қишлоғининг бир қисми кўринади. Афсус, бундан фойда йўқлигини билади. Дармони қуриганидан, овози қаттиқроқ чиқмаслиги маълум. Ёрдамга ҳар қанча чақиргани билан товушини биров эшитмайди. Боз устига

пастдагилар тошлар орасидан уни кўришолмайди. Ўзига ҳам қуйидагилар кичрайиб, товуқдайгина бўлиб кўринади...

Нима қилишини билмай боши қотиб турганида, Қорақушнинг қири учида бир тўп одам кўринди. Қишлоқдошлари қидириб келаётганини пайқаб, Мерган севиниб кетди. Кўнгил душман: ўлигим Катта Қорақушнинг шундоққина олди ё орқасида сасиб, шамол ҳидини қишлоқ устига ёйганидагина қариндош-уруғлар излаб қолишармикан, деган хаёлга ҳам борганди. Этини тоғ йиртқичлари тозалаб, фақат суякларини қолдирмаса, албатта. Худога шукр, чамаси, ўлмайдиган бўлди.

Товуш етар жойда ўтирганига қарамай, изловчилар уни пайқашмади. Атрофида сочилиб ётган катта-кичик тошлардан фарқлашолмаган, чоғи. Ҳаммаси узоқларга, Осмонсой томонларга кўз тикишарди. Яқинроқда бўлса товуши чиқар деб ўйладими, бирови қўлларини оғзига карнай қилиб бақирди:

- Қаердасиз, Ўтаган ака-а-а, ҳа-ҳо-о-ов!

Унга иккинчиси қўшилди:

- Довуш беринг, Ўтаган ака-а-ав!!

Овози уларгача етиб бормаслигини билганидан, ҳеч бўлмаса, ўзимни кўрар деган хаёлда Мерган инқиллаб ўрнидан турди ва юқоридагиларга қўл тўлғади: “Тушаверинглар, мен шу ердаман”.

Бирови уни кўрди. Бошқаларгача айтди, шекилли, у тарафга бетартиб югургилаб қолишди. Ҳол-аҳвол сўрашишганида маълум бўлдики, ҳозиргача унинг қаёққа кетганини кўпчилик билмаган. Билганлар тоғ ортидаги ошна-билишлариникида меҳмон бўлиб, ов қилиб юргандир деб ўйлашган. Лекин ҳеч бири Мергандай уста овчи ҳам қашқирнинг қамалида қолиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган...

Ёрдамга келганларнинг иккитаси ўлган қашқирнинг терисини шилишга кетди. Ҳар бир қашқир териси учун ферма мудирлари семиз битта кўчқор ёки иккита тўқли ваъда қилган. Бу йиртқичлардан энг кўп азият чекадиганлар уларнинг чўпонлари. Бир ораласа, қаторасига ўн беш-йигирматасини бўғизлаб кетади. Лекин атиги

биттагинасини ейди. Бақувватроқ бирови Вафодорни орқалади. Қолганлари Мерганни суяб йўлга тушди. Кеч пешинларда уйига етиб келишди.

Ўтаган Мерган эшигининг олдигинасига кўрпача ёздириб, унга итини ётқиздирди. Кейин йўлда учраган булоқлардан оз-оздан сув ичиб келганига қарамай яна бир пиёла сувни ютоқиб ичиб, ўзини кўришга келган қўшниларининг ёшроқларига буюрди:

– Қўчқорларимдан энг семизини танлаб сўйинглар. Қуйруғини лаганга босиб, Вафодоримга беринглар. Еганича есин, қолса кейинроқ ер. Гўштини қолдирмай қозонга босинг. Тирик қолғонимди шукронасига Худо йўлига худойи қилмоқчиман. Қўшни-қўлларди жавлик айтинглар. Қолганлар уйга кириб, чой-пой ичиб ўтиришсин. Мен қозон қайнагунча озроқ мизғиб олайин.

Васканинг оти Вафодор тарзида ўзгартирилганини ҳамма пайқади. Шунинг учун Мерганни олиб келган йигитлардан тоғда нима бўлганини суриштириб кетишди. Улар кўрганлари ва овчидан эшитганларинигина баён қилишди...

5

Орадан яна бир йил ўтди. Вафодор майиб бўладиган даражада қаттиқ жароҳатланмаганидан, эгасининг тарбиясида тездаёқ тамомила тузалиб, роса кучга тўлди. Мерганнинг ушоқ молларини бир ўзи боқади. Эрталаб серўт беткайларга ҳайдаб, кечқурун қўрасига қайтариб келади. Ҳар қандай қашқирга бас келишига ишонгани боис, энди уни атрофи чангал билан ихоталанган қўрага қамашмасди. Қўрани шунчаки ташқаридан қўриқлаб юради. Энди одамлар унинг эгасига хизмати ва садоқати ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Энди одамлар ўзида ҳам шундай ит бўлишини орзу қилишади. Энди одамлар...

Вафодорни ҳеч ким Васка деб атамай қўйди. Тили ўрганиб қолганиданми, Деҳқонбой бир марта Ўтаган мерганнинг олдида шундай атаб, изза бўлди. Мерган уни уришмади-койимади, лекин шундай тикилиб қарадики, назари вужудини тешиб юборай деди. Шундан сўнг у ҳам итни янги номи билан атайдиган бўлди.

Дарвоқе, Деҳқонбой ҳақида...

Айтишади-ку “кўраси куни бор” деб, қийинчилик билан яшаб кетди ва шу ёшга етди. Этак остида қолганди. Онаси раҳматли уни ҳаётга келтирди-ю, ўзи бу дунёни тарк этди. Аммо тенгдошларига нисбатан соддароқ ва тўғрисиўз бўлиб ўсди. Отаси баҳоли қудрат рўзғор тебратиш ниятида Ўгат конида ишларди. Оиласи серфарзанд. Тўрттагина қўйи бор демаса, қўли қисқароқ. Шу сабабли Вафодор ҳозирги даражасига етгунига қадар мактабдан қайтгач, Мерганнинг қўй-эчкиларини ҳам ўзиникига қўшиб у боқарди. Ҳар замонда “дафтар-қалам ол” деб қўлига йигирма-ўттиз тийин бериб қўярди. У замонларда бола учун шу ҳам каттагина пул эди. Бу ишларни Вафодор бажарадиган бўлгач Мерганнинг зикналиги тутдими ё болани пулга мазахўрак қилмайин дедими, Деҳқонбойга ҳеч нарса бермайдиган бўлди. Юриб-юриб бу унга малол келди. Қулф урган кўклам кунларининг бирида фикрини ўзига айтди:

– Қўйларингизди мен боқайин, Мерган бова, итга ишониб бўладими?

Мерган унинг туб мақсадини тушунди. Ёнчиғидан анчагина майда чақа чиқариб қўлига берди ва:

– Сен ўзингди қўйларингди боқавер, – деди жиддий оҳангда. – Меникиминан ишинг бўлмасин.

Чақаларини олишга олди-ю, эшитганларидан Деҳқонбойнинг тишлари зирқираб кетгандай бўлди. Пул бераётганига “боқсанг боқа қол” деса керак деб ўйлаганди. Акси бўлиб чиққач, ноилож: “Хап сеними, қуёнчиқ^[6] чол, – дея ичдан ёйинди. – Шу қилганинга бир кўрсатиб қўймасамми!”

Унинг ғалати бир одати бор: кимнидир боплаб сўкмоқчи бўлса “Қуёнчиқ” дейди. Энг ёмон сўкиниши шу.

Дам олиш кунларидан бирида Деҳқонбой қўйларини Қавғоли томонга ҳайдади. Қараса, Мерганнинг қўй-эчкилари ҳам шу ерда ўтлаб юрибди. Кўнглига ёмон бир қитмирлик келди. Атрофга синчиклаб назар ташлади. Ҳеч ким кўринмади. Юқорига чиқиб кетганми, ҳатто Вафодор ҳам йўқ. Вақтни ғанимат билиб, Мерганнинг қўйларини

тепароқдаги тошлоқ тарафга ҳайдади. Бу тошлоқ анча бехосият жой. Уни оралаган мол кўпинча шикаст топган: ё илон чақади, ё ёш қўзилари тошга қисилиб, онасидан қолиб кетади. Илон чаққани шубҳасиз ўлади, тошга қисилгани бирор йиртқичга ем бўлади.

Тошларга яқин жойда молларнинг олдини ўраб, ўтлар орасида Вафодор ётганини Деҳқонбой билмаганди. Серка яқинлашаверганида, у ўрнidan сакраб турди ва ириллаб ортига қайтарди. Деҳқонбой орқадаги қўйларни қамоқлаб олдинга ҳайдайвергач, мақсадини пайқади, шекилли, ғазабнок ириллаб, у томонга бир сапчиди. Шунданок Деҳқонбойнинг жони товонига тушиб кетаёзди. Вафодорнинг кўзлари қонга тўлиб, тепароқдан ҳайбат билан қараб турарди. Ириллаши жуда ваҳимали эди. У қўрқиб тисариларкан, ўзича ғудранди:

- Ў-ў қуёнчиқ, яқинлашсам танишига қарамай мениям ғажиб ташлайдиғон ўхшайди!

Ўтган кузда, Вафодор эгасини қидириб кетган куни, у Мерганнинг бир такасини бўри бўғизлаб турганининг устидан чиққанди. Ҳали биронтаям қашқир кўрмаганидан, аввалига уни ит деб ўйлади. Ҳай-ҳай сурон билан тошлаб ҳайдамоқчи бўлди. Ит деб ўйлагани жунларини ҳурпайтириб, тишларини шундай шақиллатиб юбордики, Деҳқонбой қўрққанидан беихтиёр қочиб қолди...

Буниси итсимон жондорлардан иккинчи марта қўрқиши. Шу-шу Мерганнинг қўйлари билан иши бўлмайд қолди. Мерган ҳам анчагача Деҳқонбойга пул беришни “унутди”.

6

Тоғларда кузнинг бошлариданоқ ҳаво салқинлашиб қолади. Бу йил сентябрь яримлади ҳамки, иссиқнинг тафти босилай демасди. Ичкарида ётган кишилар аввал оқшомда димиқиб кетади. Тонгга борибгина салқин тушади. Одамлар ҳалиям эшиклари олдидаги супаларда, айримлар ёздагидек уйларининг устида ётишади.

Ўтаган мерган: “Бугун-эрта қайтмайман” деб Самарқандга бозорлаб кетди. Одатда у қаёққа ва қандай иш билан кетаётганини кампирига айтиб ўтирмасди. Қайтиш муддатини айтарди, холос. У буни айтмаса-да, билади. Рўзғорга керакли буюмлар яқин-атрофдаги бозорларда, дўконларда ҳам топилади. Шунчалик узоққа милтиғига ўқ-дори қидириб кетади.

Ўғли конга тунги навбатга кетган. Уйда ёлғиз Ниҳолой момо қолди. Кампир бўлса ҳам аёл-да, бир ўзи тунашдан сесканди. Шунинг учун Деҳқонбойни чақириб келди. Аслида у ҳам ўғлидай бўлиб қолган. Кўпинча шу ерда тунайди. Супадан кўра томда ётишни хуш кўради. Шунинг учун уйининг устига жой қилди. Кўрпа-тўшакларни шоти орқали Деҳқонбойнинг ўзи ташиб олди.

Ерга сочилган буғдойни қолдирмай териб олса бўладиган сутдай ойдин тун. Кўк юзи тиниқ ва мовий рангда. Тик кўтарилган тўлин ой гўё осмон гумбазига парчинланган ва қимирламай жойида туриб қолгандай кўринади. Олам ажиб бир сукунат қаърига шўнғигандай. Ҳар замонда узоқ даштлардан енгилгина эпкин келади. Сойдаги бақатеракларнинг япроқларини беозор у ёқ-бу ёққа тебратади-ю, оқ, кўкиш ва ёрқин рангларга бўяб кўз-кўз қилади. Кейин олдинги осойишталигини бузмаган ҳолда тоғ томонга ўтиб кетади. Шу билан яна сукунат бошланади.

Ойнинг ёрқин шуъласи кўзига тўғри тушиб қамаштирганми, бир маҳал Деҳқонбой уйғониб кетди. Чалқанча ётишини бузмай атрофини заррин нурлари билан зарҳал рангига бўяган тўлин ойни озроқ томоша қилиб ётди. Кейин қорнига ағдарилиб, тоғ томонга қаради. Кўзларига ёнбағирлардаги ҳар бир бута, ҳар бир тош сувга чайилгандай тиниқ ва яққол кўринди. Тун қўйнида уйқусираб мудраётган олам унинг назарида ниҳоясиз чирой очиб, гўзаллашиб кетгандай туюлди. Бироқ бундай сокин тунлар оғушида қандайдир сирли-синаотли ҳаракатлар тинимсиз юз бериб туришини у билмасди.

Бир маҳал Кичик Қорақушнинг ёнидан бир-бирига жуда яқин жойлашган иккита шуъла отилиб чиқди. Бирпас ён-атрофига тебрангандай бўлиб турди-да, зувиллаб қуйига энди. У юриб эмас, гўё оқиб тушаётганга ўхшарди. Тош ва буталарни айланиб ўтади, шекилли, баъзан шуъла бир зумга йўқолади. Кейин тағин пайдо бўлади. Олдинги маромини бузмай пастга “оқади”.

“Биронтаси тоққа мотоцикл миниб чиққанмикан”, – деб ўйлади Деҳқонбой. Ундай бўлса тариллаб овози эшитилиши керак эди. Товуш келмаяпти. Ёруғи ҳам жуда кичкина. Қолаверса, жуфт чироқлар фақат машинада бўлади. Одам зўрға тушиб чиқадиган бу қияликларда машина қандай юради?

Шуъла уйга яқинлашавериб тўхтади. Чўққайиб ўтирган қандайдир ҳайвоннинг қораси элас-элас кўзга чалинди. Товуқ илинжида тентираб юрган тулкимикан? Кўзлари ҳамон ярқираб ёниб турибди. Салдаёқ Кичик Қорақушнинг этагидаги сой тарафдан ҳам бир жуфт ёруғлик кўринди. У ҳам уй томонга оқиб кела бошлади. Олдингисига яқинлашиб, буям чўққайди. Алангаланаётган кўзлари қўрани нишонга оляпти, шекилли.

Деҳқонбой кўз олдида рўй бераётган бу ҳодисалардан ҳайратланса-да, ҳануз нимани кўраётганини аниқ билолмади. Шу туфайли ёнгинасида дунёдан беҳабар ухлаётган момони секингина туртиб уйғотди ва шивирлаб сўради:

– Анавиларга қаранг, момо, нима улар?

Момо эринчоқлик билан бошини кўтариб, ҳануз шуълаланиб турган нарсаларга қаради. Уйқусираб яхши кўролмадими, кўзларини уқалаб қайта тикилгач хитоб қилди:

– Вой соғоналар, итқуш-ғу булар!

Одатда кўпгина тоғ қишлоқларида уй қуриш учун ёнбағирни чўкич, белкурак ва мисранг билан ўйиб, чиққан катта-кичик тошларнинг йирикларини очилган сатҳ олдидаги нишабликка тахлаб, қурилиш майдонини кенгайтирадилар. Қолган тошларни пойдеворга тахлаб, девор кўтаришни бошлашади. Уйларнинг олди асосан кунгайга, орти шимолга қаратилган бўлади. Орқа девор тоғ нишабидан бир ярим метр, олди уч метрча баландликда кўтарилади. Ўтаган мерганнинг икки хона бир даҳлизли уйи ҳам шу андозада қурилган.

Вафодор учун уй ортдаги нишабликдан бир қулоч баландликка сакраб чиқиш ҳеч гап бўлмай қолган пайтлар. Эгалари ичкарига кириб кетган кунларда ҳам у томда ётади. Бу ердан атроф кафтдагидай кўриниб туради. Пастга ирғиб тушиши ҳам қулай. Ёғин-сочинли, қаттиқ совуқ кунларидагина қўра ёнига қурилган катагига киради. Унга туя жуни солиб қавилган кўрпача тўшалган. Иссиққина...

Ўша куни Вафодор Деҳқонбойнинг тепа томонида, шундоққина ёстиғи ёнида, бошини оёқларига қўйганича узала тушиб ётарди. Афтидан ухлаётганди, гангир-гунгур гаплардан уйғониб бошини кўтарди. Ҳар замонда бир эсиб қолаётган эпкин кучсизгина бўлса-да, қашқирларнинг ҳидини тоғ томонга олиб кетарди чоғи, ит уларнинг яқинлашганини шу пайтгача пайқамади. Атрофда бегона жондор борлигини энди сезди. Бошини у ёқ-бу ёққа буриб ис олди. Шу аснода бўриларни кўрди ва ирғиб туриб томдан сакради. Бўрилар ҳам уни пайқаб бири тоғ томонга, иккинчиси Қорақушсой бўйлаб юқорига қочди. Ҳаял ўтмай итнинг қораси кўринди. У сой ёқалаб қочган бўрининг изидан тушди. Чамаси буниси зўрроқ арлон бўри бўлса керак.

Тездаёқ ириллаган, шақиллаган товушлар тоғлар орасини янградиб юборди. Буни Деҳқонбойларгинамас, оралари узилишроқ бўлишига қарамай, сергак ухлайдиган бошқа қўшнилари ҳам эшитишди. Шунданок Вафодорнинг сойдан қочган бўрига унчалик узоқлатмаёқ етгани маълум бўлди. Бу олишувда қайсиниси енгаркин? Деҳқонбойнинг назарида ит икки, ҳатто учта бўри билан ҳам олишувга қодир. Ёлғиз бўрига босим келишига ишониб турса-да, озроқ хавотирланиб кута бошлади.

Дабдурустдан кўтарилган ғавғо кўпи билан ўн дақиқаларда тугади. Атрофни яна сукунат қоплади. Қилт этган товуш эшитилмай қолди. Бу сокинлик олдингисига ўхшамас, қандайдир юракни сиқадиган, кишининг ҳаловатини йўқотадиган жимлик эди.

Деҳқонбой Вафодорнинг қайтишини ухلامасдан тоқатсизланиб кутди. Бир марта бошлаб қўрқитганига қарамай, ит унга ҳам азиз бўлиб қолган. Ит ҳам уни яхши кўрарди чоғи, ҳу ўша қитмирлигини унутиб юборди. Тез-тез атрофида ўйноқлаб, олдинги оёқларини елкасига қўйганича орқа оёқларида тик туриб, юзларини ялаб қолади. Баъзан ўтлар устида юмалашиб, курашиб ҳам туришади. Бу “олишув”ларда Вафодор зўрлик қилса-да, йиқилиб туришни ҳам унутмасди. Душмани билан шафқатсиз олишса-да, Деҳқонбойнинг тагида типирчилаб ётишдан завқ оларди гўё. Унинг кўнгилчан, меҳрибон ва нияти тўғрилигини сезади, шунга яраша муомала қилади. Ит бўлишига қарамай, нияти бузилган одамни дарров билади. Шундай пайтларда юраги қаҳр-ғазабга тўлиб кетади.

Деҳқонбойнинг табиатида қитмирлик йўқ эди. Ўшанда бир болалик қилган-да...

Эртасига кимдир Қорақушсойда бўғиб ўлдирилган бўрининг терисини шилиб келди. Шу куни кечқурун Норвонсойга тушаверишда яна бир бўрининг ўлигини топишди. Бу ишларни Вафодор қилгани маълум. Қишлоқдаги итларнинг бирортаси бўри ё қашқирга бас келолмаслигини ҳамма билади.

Қандингни ур, Вафодор!

Сени шундай олғир қилиб тарбиялаганнинг отасига раҳмат!

Бу олқишларни эшитадиган Ўтаган мерган билан Вафодорнинг ўзи йўқ. Эртасига ва индинига ҳам Вафодор уйга қайтмади. Чамаси, унга бошқа бўрилар ҳам учраб қолган. Ит ўшаларнинг изидан Шоғишмон тоғларига чиқиб кетган бўлса керак. У кўзига кўринган бўрини тинчитмасдан қўймайди. Балки қашқирлар галасига учраб...

Шунисидан Худо сақласин! Ўгатликларнинг пешонасига битта олғир ит битди. Умри узоқ бўлсин! Битта олғир ит юзта хашаки итнинг ўрнини босади. У итқушлардан тоғларни тозалаб, бутун қишлоқнинг молларини асрайди.

Деҳқонбой мерганнинг қўйларини яна ўзиникига қўшиб боқа бошлади. Бу гал дафтар пули таъмасида эмас, Вафодорнинг қайтишини интиқиб кутаётганидан шундай қилди. Мактабда пайтларида у ҳам бунинг қўйларини боқиб юрарди-да. Оралиқда, қисқа муддатга бўлсаям тоғларнинг тепасига чиқиб, атрофни синчиклаб назардан ўтказди. Ҳеч қаерда итнинг қораси кўринмагач, юраги туз қуйилгандай ачишади. Йиғлаб юборишдан ўзини аранг тияди. Ноилож ортига қайтади. Одамларнинг айтишича, қашқир кўпайган, қўйларига кўз-қулоқ бўлиб туриши керак. Ростакамига бўри ҳужум қилиб қолса, қўлимдан нима келарди, деган фикр хаёлида йўқ.

Ўтаган мерган учинчи куни кечқурун ҳориб-чарчаб уйига қайтди. Юз чақиримдан зиёд йўлни эшакда босиб ўтиш осонми? Милтиғига ўқ-дори керак бўлмаганида шунча жойга бориб юрмасди.

Ниҳолой момонинг дарди ичида: у итини сўраб қолармикан, деб юраги пўкиллаб турарди. Чунки Мерган Вафодорни қанчалик қадрлашини билади. Йўқолганидан хабар топса, гарчи бунга кампири айбдор бўлмаса-да, жаҳли чиқади. Ҳазабланса, у ҳеч балодан қайтмайди. Бироқ Мерган енгил-елпи тамадди қилиб, жойига ёта қолди.

Итини сўрамади.

Эртасига азонлаб туриб таҳорат олди ва бамайлихотир бомдод намозини ўқиди. Шундан кейингина Вафодор эсига тушди. Бир ёқдан келса олдига ўйноқлаб чиқиб кутиб оларди. Негадир кечқурун ҳам, эрталаб ҳам кўринмади. Сира бундай одати йўқ эди.

Хавотирланиб кампиридан итини сўрагани, дудмалроқ жавоб олди:

- Юргандир-да қўйларминам...

Мерган бир сўз демай қўраси томонга ўтди. Қўй-эчкилари жойида йўқ.

Ниҳолой момо унинг итни сўраб қолишидан кўрқиб, қўйларини эртароқ сой томонга ҳайдаб юборгани. Шунданми, ёмон бир ҳодиса юз бергандай Мерганнинг кўнглига ғулғула тушди. Ортига қайтиб, италоқни текширди. Унга яқин-ўртада овқат қуйилмагани шундоққина билиниб турарди. Илгари солинган овқатларнинг юқи қасмоқ боғлаб қуриганидан, четлари кўтарилиброқ қолибди.

“Мен кетганимдан кейин бунга овқат қуйилмаган, – ўйлади Мерганнинг зардаси қайнаб. – Ақалли ювилмаган. Оч қолгач аждодларининг қони устун келиб, ўз кунини ўзи кўриш учун кетиб қолганмикан? Шундай бўлса иш чатоқ: у ёвуз қашқирга айланиб, мол битганга қирон келтиради! Ҳатто одамларга ҳам...”

Шу пайтда қўй-қўзиларини ҳайдаб, Деҳқонбой келиб қолди. Мерган ғазабини зўрға босиб ундан сўради:

- Вафодор қаёқда, кўринмайди?

- Итингиз уч кундан бери йўқ, – соддадиллик билан жавоб берди у. – Қашқир қувалаб юрганми, менам излаб товолмадим...

Мерганнинг тоқатини тоқ қилишга шу жавобнинг ўзи етди. Эшик олдида каловланиб турган кампир томонга ўқдай отилди. Бир қўли билан рўмоли аралаш сочларидан ёғимлаб ушлаб, иккинчи қўлида юзларига тарсаки тортди ва ортига итариб юборди.

Момо силтовга дош беролмай кетканчак бўлиб ўтириб қолди. Бошини эгиб, ловуллаб кетган юзларига кафтини босди. Деҳқонбой югуриб келиб орага тушди.

– Момомди нега урасиз, бова! – деди энтикиб. – Қашқирлар уйгача келгач, Вафодорди ўзи уларди қувиб кетди. Бирини Қорақушсойда, экинчисини Норвонсойди бошида ўлтириб, бошқалариниям қувалаб кетгандир...

Ўтаган мерган аччиқ устида ўмровидан қисиб ушлаб, униям бир четга товукдай ирғитиб юборди. Кампирининг дуч келган жойларига яна бир-икки тепди. Махсикалишда бўлганидан, бу тепкилар момога унчалик қаттиқ тегмади. Аммо тарсаки еган юзлари ловуллаб турарди.

Деҳқонбой айтган янгилик Мерганни сал бўлсаям ҳовридан туширди. Вафодорнинг иккита қашқир олганини кечаёқ пастки қишлоқлардаги танишларидан эшитганди. Итининг доврўғи чиқаётганидан қувонганди ҳам. Лекин ҳеч ким унинг йўқолгани ҳақида лом-мим демади. Буни балки билишмас, балки Мерганни аяб атайлаб айтишмагандир. Нима бўлганидаям у кутмаган ҳодиса рўй берганди. Бунга кампири айбдор эмаслигини ҳам тушунади. Унинг айби шундаки, бир косагина овқатни итдан аяган. Қизғанчиқлиги камдай, ялоғиниям тозаламаган. Хуллас, Мерганнинг йўриқларини бузган. Шундан унинг асаблари ўйнамоқда эди.

Мерган жаҳл билан ерга тупуриб, уйига кириб кетди. Отишга тайёр патронлар қатор териб қўйилган ўқдонини белига боғлади. Очиқ ҳавода тунаб қолсам керак бўлади, деган хаёлда қалин чопонини устидан кийди. Девордаги қозикқа осиб қўйилган қўшотарини елкасига илди. Нонушта ҳам қилмай Қорақуш томонга чиқиб кетди. Бу сафар кампирига қачон қайтишиниям айтмади. Яхшиям озроқ туз, гугурт ва сувдонини олгани: овчининг оши олдидан чиқади.

7

Ниҳолой момо Мерган ўйлаганидек, Вафодорни атайлаб очликдан қантармади. Чоли

бозорга, ўғли тунги навбатчиликка кетгач, шунчаки бир ўзига қозон қайнатишдан эринди. Лекин итга ўзи еб ўтирган нондан бериб, обдан қорнини тўйдирди. Деҳқонбой мактабдан қайтгунига қадар мол-ҳолига қараш ташвишидан қутқаргани учун у момога ҳам суюмли эди. Биргина айби – ҳафсаласизлик қилиб итялоқни ювиб қўймагани. Ким итининг ялоғини кунига ювади-да, у қуруқ қолувди. Бир кунга ҳўкиз ўлмас, деган хаёлга борувди. Вафодор қайтмаганидан кейин унга алағда бўлиб, эсидан чиқарибди.

Арзимаган нарсаларга ҳафсаласизлик қилгани учун у ўзини айблади. Айбига яраша жазони ҳам олди. Нима дегандаям Вафодор – баҳосиз ит. Ҳар қанча эъзозга муносиб. Унга Мерган тайинлаганидай муносабатда бўлиши лозим эди. Икки косагина овқат пиширганида ҳам ити, ҳам ўзи ичарди. Итялоқни ювиб қўйганида бир жойи камайиб қолмасди. Арзимаган юмушларга беқунтлик қилди...

Ўтаган мерган бундай ўйламади. Уйидан чиққанига бир соатдан ошди ҳамки, ғазаби босилмади. Итни оч қолдирган, ақалли қаттиқ-қуттуқ нонни ҳам қизғанган бу шум кампир, деган фикрга ёпишиб олди. “Агар Вафодорим ўлган бўлса бу шум кампирниям соғ қўймайман”, – дерди тишларини ғижирлатиб.

Катта Қорақушдан Осмонсой томонга қиялаб тушиб бораркан, нарироқда қандайдир ҳайвоннинг териси шилиб олинган лошига кўзи тушди. Вафодор бўлса-я, деган фикрдан эти музлаб қолаёзди. Югургилаб тепасига борди. Териси шилиб олинган қашқирнинг ўлигини кўргач бирдан бўшашди. Деҳқонбой айтган бўрининг бири шу, ўйлади ўзича. Худога шукр, Вафодор тирик! Бошқа қашқирни қувиб, пастга эниб кетган бўлса керак. Кекирдаги ғажиб ташланганидан уни ит ўлдиргани билинади. Бўйнида қолган излар пичоқники эмас тишникилиги яққол кўриниб турибди. Пичоқ тўғри кесган бўларди. Бўри билан фақат Вафодор шундай олишади, дуч келган жойидан тишлаб, ўзини хавфга қўйиб ўтирмайди. Бир марта – бирагай қилиб бўғзидан олади. Душмани тинчимагунича қўйиб юбормайди. Шериги бўлса оғзидагини айлантриб унга уриб, ўзига тиш теккиздирмаса керак.

Мерган итининг изини топгандай бўлди: у учинчи, эҳтимол тўртинчи қашқирнинг изидан қуйига эниб кетган. Бўрилар ёвидан тезроқ қутулиш учун, албатта, энишга қочишади. Шу сабабли йўлини ўзгартирди: Осмонсой тарафга эмас, шошилмай Норвонсойга туша бошлади. Этакдаги кичикроқ яйловчага етгач тўхтаб, атрофни

синчиклаб назардан ўтказди. Анча нарида, икки-уч итнинг орасида қўй боқиб ўтирган чўпонга кўзи тушиб, ўша томонга юрди. Ундан бегона итга кўзи тушган-тушмаганини суриштирди.

– Ўткен тунде Қорақуш томоннон вир шовқун эшитулди, – деди чўпон норвонликлар шевасида “и” ва “о” товушларига урғу бериб. – Сўғун тинчиди. Кун чиққанда визни тоғдан-да шовқун эшитулиб, ҳўл-да тинчиди. Чўпонларивизни вири ўшоққа эниб, бўғзи ёжилғон вир қошқирни эшегига восиб келди. Хўни сизни итингиз ўлтирген чиқар. Зўр итге ўшқайди, шоввоз...

Албатта, шундай! Вафодорнинг олишув усулига хос белгини чўпоннинг ўзи аниқ айтди. Бошқа бирор итнинг бу тарзда олишганини у эшитмаган. Буниси у ўлдирган учинчи ё тўртинчи қашқир бўлса, ажабмас. Уйга қайтмаганига қараганда, яна бирортаси қочиб қолган. Ит униям ортидан Шоғишмон тоғларига ўтиб кетган. Изини олиб бораверса топади. Тўрт кундан буён шўрликнинг очликдан силласи қуриб кетгандир. Қочаётган бўрининг ҳам тинкаси қуригани аниқ. Вафодор ўша Осмонсой тарафдаги одамхўр қашқирнинг ўзини кўтариб тошга, кейин ерга уриб азоблаганини унутмаган кўринади. Шу туфайли бўриларга нисбатан юрагида кин сақланиб қолган бўлса ажабмас. Қувлаганини тутиб ўлдирмагунича қўймайди энди.

Норвон тоғларига чиқиб кетатуриб, итимни аслида Бўрибувар деб атасам бўларкан, деган ўйга борди-ю, шу заҳоти фикридан қайтди. Йўқ! Бўрибувари нимаси? Буям Васка дегандай бетайин ва беўхшов от. Феъл-атворига қараб, ҳозирги отини топиб қўйган. Эгасига вафо ва садоқатда унга тенглашадиган ит бу атрофда йўқ. Вафодор нафақат молини, керак пайтда, жонини жабборга бериб эгалариниям қўриқлайди. Буни аллақачон исботлаб ҳам қўйган...

Эрталаб нонушта қилмаганини унутиб, ҳаллослаб юраверибди. Тушга яқин қорни жуда очиққанини пайқайди. Милтиғидаги йирик ҳайвонларни отишга мўлжалланган “чўчка” ўқлардан¹ бирини чиқариб, ўрнига сочма ўқ жойлади. Йирик ўқ какликка ўхшаган майда паррандаларнинг гўштини титиб юбориб, егулик жойини қолдирмай қўйиши бор.

Тездаёқ яқингинасидаги тошлар устида бир жуфт каклик кўринди. Ўқ егач ҳар иккиси

париллаб ҳавога кўтарилмоқчи бўлди-ю, баландлай олмай Мерганнинг оёқлари ёнига келиб тушди. Сўйиб, териси ва ичак-чавоқларини тошлар орасига ташлади. Гўштини сойдаги булоқ бошига олиб тушди-да, отқулоқ барглари устига қўйиб тузлади. Майдароқ ясси тошлардан кичкина ўчоқ ясади. Атрофда сочилиб ётган ярим чирик, қуруқ шох-шаббалардан териб, ичига олов ёқди. Нарироқдаги шумтолнинг сихбоп новдаларидан уч-тўрттасини кесиб келди. Тағин ўчоққа шохлардан қалаб, гўшт нимталашга тушди. Олов қип-қизил чўққа айлангач, устига гўшт ўтказилган “сих”ларни териб, шошилмай айлантира бошлади.

Ўзи тайёрлаган қўлбола кабобни еб ўтириб, негадир кампирини эслади. Кўнглидан пушаймонликка ўхшаш бир туйғу сизғиб ўтди. Шу иши бекор бўлди-ёв. Орқа-олдини суриштирмай жазавага тушди. Итга алоҳида овқат пишириб бермасаям, ҳар ҳолда, оч қўймагандир. Оч ит бўриларга бундай шиддат билан ҳужум қилолмасди. Тинкаси қуриб, аллақачон ғанимларига “улоқ” бўлиб кетарди. Ҳозирча Вафодор уч бўрини бўғиб ўлдирганини аниқ билади. Қолганини қаердадир, шу тоғлар орасида қувиб юрибди...

Бунга у сал илгарироқ англаганди. Ўжарлик қурсин, негадир итялоққа ёпишиб олди. Уни ювмаса ювмагандир. Вафодор қайтмагач алаҳсиб эсидан чиқаргандир. Бўлмасам бу иш қарийб уч йилдан буён кундалик одатига айланиб қолганди.

Топаман десанг қилдан ҳам қийиқ чиқаркан-да...

Ҳар қанча лаззатли бўлмасин, қуруқ кабоб нон ўрнини босолмаслигини билади. Кампирга жаҳл қилиб, уйдан нон олмай чиққанди. Шу туйғуни қорни бир нави тўйса-да, кўнгли тўлмайроқ ўрnidан турди. Атрофига зеҳн солиб, ҳамма ёқ чирсиллаган хас-хашаклигига эътибор берди. Шамол қўзғалиб ўчоқдан ўт қочса, тоғларда ёнғин бошланиши турган гап. Бу барча ўтхўр жонзотлару одамларнинг чорвасини емишдан маҳрум қилади. Анчайин беқунтлик шунга олиб келади.

Сувдонида сув ташиб, ўчоқдаги қўрамталарни батамом ўчирди. Идишини қайта тўлдириб белига боғлади ва Шоғишмон тоғларига чиқиб кетди. Энг баланд чўққилардан узоқ-яқинларни синчиклаб кўздан кечирди. На Вафодори, на биронта бўри назарига чалинди. Кечгача санқигани қолди. Қуёш қизариб ботаётганида сув

олиш учун Узунбулоққа тушди. Йўлда олдини кесиб ўтиб қочаётган қуённи отиб, униям кабоб қилиб еди. Атрофни қоронғилик боса бошлагач оловни ўчириб, яна ортига қайтди. Қуйида илон, чаён, қорақурт кўп бўлади. Юқорироқда бирор силлиқ тош устида тунаш бежавотирроқ.

8

Эрталаб жуда мадори кетиб уйғонди. Аъзойи бадани симиллаб оғрирди. Самарқандга бориб қайтиш чакана йўлми! Эшак минганига қарамай, узоқ йўл обдан уриб ташлаганди. Кеча куни бўйи пиёда юриб, қирқ чақиримларни босиб қўйди-ёв. Уйида бир кеча тунаганини айтмаса, дам олмади ҳисоб. Шунга қарамай тезгина лашлушларини йиғиштириб, тағин юқорига интилди. Тоғ тепасига чиққач, тўрт тарафни синчиклаб назардан ўтказди. У излаган жондорлар кўринмади. Қувлашиб, Савур довони тарафга ўтиб кетишмаганмикан? Бу довон яқингинадай кўрингани билан анча олисда. Унга яёв бориб, яна уйига қайтишга қуввати етмайди.

Ўрмак тўқиган уйда ўлар, адорғи йўнган тоғда... бўлиб қолмасин яна.

Ўйлаб кўриб, шу ердан уйига қайтишни лозим топди. Тўғри кесиб чиқса, бор-йўғи ўттиз чақиримлар келар. Ундан кўп эмас. Балки тоғма-тоғ сарсон бўлиб юрганида, Вафодори ҳам уйга бориб қолгандир. Кошкийди, шундай бўлса! Тортган барча азоблари битта “уҳ” билан чиқиб кетарди.

Қийналиброқ бўлса-да, асрга яқин уйига етиб келди. Йўлида учраган одамдан итининг дарагини сўради. Аммо ҳеч ким ўзи билганидан ортиқ гап айтолмади. Бундан қаттиқ ҳадиксиради. Вафодорнинг ҳануз уйга қайтмаганини билгач, бутунлай эзилиб кетди. Йўлда келаётганида бир кун аввал қизишиб, уриб-тепкилаб кетгани учун кампиридан узр сўрасаммикан, деган фикрга ҳам борганди. Итининг қайтмаганини билгач, феъли айниди-қолди. Яна ғазаби ёлиб келди. Ниҳолой момога аччиқ гапирмади-ю, қиёфасидаги тундлик тарқамади: “Унга узр-маъзурнинг сираям кераги йўқ!”

Ўзига ўзи наридани бери жой қилиб, қаттиқ чарчаганидан ётиб олди. Эртасигаям қайси ишга қўл уришини билмай довдираб юрди: нималарнидир жойидан силжитади, нималарнидир ўрнидан кўтариб, бемақсад тагига қарайди. Гоҳ у, гоҳ бу ишга уннаб қолади, бироқ охирига етказмай ташлаб кетади. Сархуш одамдай у ёқдан-бу ёққа танда қўяди...

Охири ҳаммаси жонига тегиб, қўйларидан хабар олишга кетди.

Қўйларидан хабар олмаса ҳам бўларди. Уларни Деҳқонбой боқиб юргангани билди. Уйдаги диққинафасликдан қутулмоқчи бўлди шекилли-да. Лекин бундаям кўп туролмади, уйига қайтгиси келаверди. Вафодор келиб қолгандир, деган умид шунга ундади. Деҳқонбойнинг қўлига ўттиз-қирқ тийин бериб:

- Қўйларди ўзинг боқавер, улим, - деди ва ортига қайтди...

Вафодор кечга томон қайтди. Танасининг айрим жойларидан чиққан қон жунларини бўяб қотган. Терисидан атров-атров бир тутам-ярим тутам жунлари юлиб олинган. Очлигидан қорни ичига кириб кетган.

Дармони қуригани шунчаликки, ўз танасини зўрға кўтариб юраётгандай. Қанча тоғ ва қирларни ошиб, шу ергача етиб келишга қаердан куч топди экан?! Бардоши Мерган ўйлаганидан ҳам кучли экан-ки, шу азобларга чидаган!

Қувонганидан, Ўтаган мерган судралиб келиб эшиги ёнига чўзилган итининг рўпарасига чўк тушди. Кампирига нисбатан адоватини ҳам унутиб бақирди:

- Кампир, тез кўрпача келтир, Вафодор келди!

Мерганнинг товушини эшитгач, нима қилишини билмай жонини кадига қамаб ўтирган Ниҳолой момонинг қоровтиб турган дунёси бирдан ёришди. Чолининг ғазабидан, уриб-тепкилашидан қўрққанидан эмас, Вафодордай итнинг тик оёғидан йўқолиб кетиши мумкинлиги уни ҳам эзмокда эди. У ўлса ё йўқолса, хонадонларига яна қачон шундай ит битади-ю...

Момо ёшига номуносиб равишда сакраб туриб, пойгакдаги кўрпачани икки буклаб

кўтарганича ташқарига жўнади. Уни чоли кўрсатган жойга тўшаётганида Вафодорга кўзи тушиб, кўнгли бирам эридики... Жонивор бир аҳволга тушиб қолибди!

Мерган итини кўтариб ўтиб кўрпачага ётқизди. Тумшуғи, боши, умуртқа-ю қовурғаларини бирма-бир текшириб чиқди. Бирор жойидан жиддий жароҳат тополмади. Терисида қотган қонми? Жунларини қайириб, уни ҳам очиб кўрди. Қашқирнинг тишими, тирноқларими шунчаки тилиб кетган. Заҳа чуқур эмас, Малҳам суртиб қўйса, тездаёқ тузалиб кетади.

– Вафодорим! – деди у итининг бошига бошини қўйганича эркалатиб, елкасига енгил шапатилаб. – Содиқ дўстим! Оч қолдингми, қийналдингми, вафодорим? Ит бошини кўтариб, ҳорғин ғингшиди ва тумшуғи олдадаги қўлни ихлос билан ялай бошлади. Бу билан у: “Мен сизнинг изимдан борганингизни сездим, товушингизни қаерлардадир эшитдим. Аммо душманингизни ташлаб кетиб бўлмасди. Шундай қилсам у қочиб қутулиб кетарди. Мана, ғанимларимизни йўқотиб, ёнингизга соғ-омон қайтдим”, – демоқчи бўларди. Шу йўл билан меҳр-муҳаббатини изҳор қилмоқчи ва эгасининг қўлларидан лаззат, куч-қувват олаётгандай бўларди. Мерган буни англаб етди чамаси, икки қўли билан чаккаларини қисиб ушлаб, кўзларининг ўртасидан ўпиб олди. Жирканишни ўйлаб ҳам ўтирмади. Тепаларида қараб турган Ниҳолой момо мийиғида кулиб қўйди: “Арзийди, эркалатса, ўпса арзийдиган ит бу!”

Худди шу пайтда қўйларини ҳайдаб, Деҳқонбой келди. Вафодорни кўриб севинганидан молига ҳам қарамай шу томонга югурди.

– Тўхта! – у етиб келмасидан буюрди Мерган. – Тез Лапас қассопди чақириб кел. “Бовамди боқувдаги қўчқорларидан бирини сўяркансиз”, – дегин. Итминан кейин ош-қатиқ бўлаверасан.

Деҳқонбой мақсадини фаҳмлаб, ортига қарамай чопиб кетди. Мерган эса унинг қўйларини ҳам ўзиникига қўшиб, кўрасига қамаб қўйди.

Чорвадорларда қадимий бир одат бор: бўри олган итга, албатта, қўйнинг қуйруғини егишишади. Бўлмасам ларзон еган тишлари тўкилиб кетармиш. Ростдан шундайми, бундай эмасми, бу билан биров жиддийроқ қизиқмайди. Шунга қараганда бу одат

итнинг қувватини қайта тиклашга ёрдам бериш, унга миннатдорлик билдириш ёки мукофот тарзида юзага келган бўлиши ҳам мумкин. Қандай пайдо бўлганидан қатъи назар, валломат боболаримиз ит боқишни ҳам билишган!

9

Шу воқеалардан кейин Вафодорнинг донғи атроф қишлоқлардан ҳам ошиб, узоқ-узоқларга тарқалиб кетди. “Нима дейсан, ўгатлик Ўтаган мерганнинг Вафодор деган ити бормиш. Бир дегандан тўрт-беш қашқирди олармиш. Ё тавбангдан кетай, шундайчиқиниям бўларкан-да, а?!” Одамнинг отини элга савобли амаллари, оқила ва меҳмондўст аёли, солиҳ фарзанди ва тулпор оти танитарди. Маълум бўлдики, олғир ити ҳам танитаркан. Яқин-ўртада бунақасини ҳали ҳеч ким эшитмаганди...

Яхши келса ҳут – қозон-қозон сут, ёмон келса ҳут – керагада бут. Бу йил об-ҳаво юришиб, ҳут яхши келди. Февралнинг охирларидаёқ майсалар қулоқ чиқарди. Ҳозирча йирик туёқлиларнинг оғзига унчалик илинмаса-да, ушоқ моллар тўйиб қолди. Лекин “Кўкбулоқ” колхозининг қўйларига бошқа офат дориди: қаёқдандир оғиб келган иккита зўр бўри ҳар замонда отарларидан ўн беш-йигирма қўйни қийратиб кетади. Чўпонлару итлар уларга бас келишолмади. Қопқонлару милтиқларнинг фойдаси тегмади. Ноилож вилоят марказидан иккита мерган чақиртиришди. Улардан ҳам наф чиқмади. Қашқирларнинг ўта пихи қайрилган экан, кўрган барча чора-тадбирлари, ишлатган ҳийла-найранглари чиппака чиқариб кетаверишди.

Мерганлардан иш чиқмагач, ферма мудири Асрорқулнинг хаёлига ажойиб бир фикр келди: зўр бўрини фақат зўр ит олади. Суриштириб, ўгатлик Ўтаган мерганда шундай ит борлиги ҳақидаги баландпарвоз гапларни эшитди. Ўгат билан Кўкбулоқнинг ораси нари-бериси қирқ чақирим чиқар. Кесиб чиқса, ундан ҳам яқин. Отда бир кунда бориб қайтса бўлади.

Нима қилсаям, шу итни келтириш ниятида отланиб йўлга тушди. Эгалари яхши итни шундайига бермайди. Бунини яхши билади. Минг олғир бўлганидаям, бир итнинг баҳоси бир ҳовуч олтин бўлармиди? Нарини борса семизроқ ўнта қўй бўлар. Ўн қўй қашқирлар

қийратаётганлари олдида нима деган гап? Ҳар отардан икки-учтадан олганидаям, бу чиқим айтишга арзимаиди. Итнинг эгаси эса жон-жон деса керак. Асрорқул бу фикрига каттиқ ишонади. Бошқача бўлиши мумкинлигини хаёлигаям келтирмайди.

У илгари ҳам қишлоқлардан зўр дейилган итларни танлаб олган. Ҳаммасини бирга бир – бошга бош қўйга ё тўқлига алмаштирган. Аммо зўр деб олган итлари бир пулга қиммат чиқди. Тўғри, аввалига қашқирларни бир нави ҳайдаб, қўйларга яқинлаштирмай турди. Ҳозирги бўрилардан уларнинг ҳам жини буқиб қолди. Отарларга ҳужум қилаётган қашқирларнинг йўлини тўсиб чиқиш ўрнига қўрққанларидан ғингшиб, чўпонларнинг оёқларига ўралишади. Шулар ҳам ит бўлди-ю...

Мудир сўраб-сўраб Ўтаган мерганнинг уйини топди. Лекин мақсадини ҳадеганда айтолмай ўтирди. Кўзига у жуда бадфеъл, чўрткесар одамга ўхшаб кўринди. Чой устида анчагача ундан-бундан гурунглашиб ўтиришди. Мерган эса кўргани заҳоти унинг мақсадини бехато англади. Кўкбулоқликларнинг қўйларига бўри дориётгани, ҳар ҳужумда ўн-йигирмалаб қўйларини қийратиб кетаётгани ҳақидаги хабарларни у ҳам эшитган. Ўзича Вафодор бундан хабар топиб, ўша томонларга кетиб қолмасайди, дея ҳадиксираб юрарди. Бўрининг ҳидини сезса, у тинч ётолмаслигини билади...

Меҳмон эҳтиёткорлик билан дилини ёрди:

– Шу десангиз, ака, биз томонларда экита қулғана^[7] итқуш пайдо бўған. Отарларимизга анча зиёни тегаётир...

– Хў-ўш? – сўради Мерган “мен нима қилай” деган маънода.

– Шунга итингизди сўраб келдим.

– Ит ўзимгаям керак, қўйларимди боқади, эки оёқли^[8], тўрт оёқли қашқирладан қўрийди. Қолаверса, бутун қишлоғимиз уни ҳимоятида...

Асрорқул синаш ва қизиқтириш мақсадида қармоқни пастроқдан ташлади:

- Шу десангиз, ака, итингизга бешта семиз қўй берсам...

Мерган кинояли илжайди.

- Бешта қўй денг-а!

Буни Мудир ўзича тушуниб, шошилишч давом этди:

- Ҳай, ўнта бўлами? - Мерган оғзини оғритгиси келмай бош чайқаганини кўргач, темирни қизиғида босмоқчи бўлди. - Ўн бешта бўлар?!

Ўтаган мерганнинг тоқати тоқ бўлиб афтини бужмайтирди. Буни мудир яна ўзича тушуниб, қўйлар сонини йигирматага еткизганида чидолмай ўшқириб юборди:

- Ҳе-ей, инсон! - деди ғазаб билан "сен"сираб. - Менминан буйтиб савдолашма! Юзта ҳалол қўйингдиям битта ҳаром итимга алмашмайман. Итимди олиб кетсанг, сени безор қилаётган ўша итқушлар қаёққа боради? Вафодорди исиданоқ билишади улар. Билган заҳоти қочишади. Қаёққа боради? Албатта, бизди товларимизга ошишади. Ўзимдикига қўшиб, сен берган юз қўйдиям чилласини чиғармай қириб юборишади. Камига қишлоғимизди молларига қирон солади. Мен шундай итти сенга бериб юборганим учун элди қарғишига қоламан. Шуни мечкайингдан^[9] ўткизоласанми?!

Асрорқулнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, шалвираб қолди. Ҳар қанча урингани билан бу қайсар чолни гапга унатоқмаслигини англаб, иложсиз ўрнидан турди.

10

Ферма мудури итни қўлга киритолмаганидан анчагина ранжиб қайтди. Вафодорни кўрди - йўлбарс келбатли баҳайбат ва бақувват, юз қўй берса арзигулик ит. Аммо Мерган тушмагур бойликка учадиган одам эмас, шекилли. Нафсиламрини айтганда, Мергандан хафа бўлиш ўринсизлигини билиб турибди. Келишиб Вафодорни бу ёққа

олиб келганида нима бўларди? Худди у айтганидай қашқирлар қочиб, Ўгат тарафларга уюр бўлиши аниқ. Қурғур чол бу томонларини ҳам тарозига солиб ўтирибди. Қўйларини ити боқишига ишонмади-ю, лекин бутун қишлоқни бўри балосидан асраши рост...

Асрорқул қишлоғига келибоқ отарларга отланди. Икки-уч кун ичида ҳар бир қўрага қўшимча чўпонлар жалб қилди. Уларга кечаси-ю кундузи сергак туришни тайинлади. Отарларга иложини қилиб, биттадан якка сумбали милтиқ ҳам топдириб берди. У билан бирон нарсани отиб қулатолмасалар-да, ҳар замонда пақиллатиб, бўриларни чўчитиб турар деб ўйлади. Бироқ кўрилган бу чоралар ҳам деярли наф бермади. Қашқирлар кейинги икки ҳафта ичида отарлардан йигирмадан ортиқ қўйни қийратиб кетди. Бўрининг “касали” шундай – ейдигани битта қўй, тўсиқ бўлмаса отарнинг ярмини бўғизлаб кетишдан ҳам тоймайди.

Мудирнинг тинчи бўлмай қолди: уйдан эрта кетиб тунда, бир маҳалда қайтади. Ўша куни эртароқ қайтди. Қуёш қизариб ботаётган пайт. Ҳаво салқин бўлса-да, уйда ўтиргиси келмай, тоғ тарафга қаратиб қурилган айвонига чиқди. Ўй суриб турганида Қайроғочли тоғининг ёнбағридан бир қора чўзилиб юқорига ўрлаётганини кўриб қолди. Бўри! Баъзи-баъзида тош ва буталар панасида кўринмай қолади. У ўша ёвуз бўриларнинг бири эканлигини Асрорқул сизди. Иккинчиси қайси гўрдайкин?! Бошқа отарни мўлжалга олиб шеригидан ажралганмикан? Буниси ҳаммасидан ёмон – ҳар қўрадан ўнтадан бўғизлашганидаям яна камида йигирма қўйни ўлдириб кетишади.

Аввалгиси тоғ ошиб кетгач, иккинчиси кўринди. У ҳам чўзилинқираб юқорига ўрлади. Ҳартугул ажралишмабди. Жуссаси кичикроқ кўринганига қараганда, буниси урғочиси бўлса керак. Шу кетишларида Қайроғочлисойдаги кўранинг устидан энишади. Шошилиш лозим. Бўрилар сойдаги қўрага чопқинни тунда бошлашади. Ҳозирча бирор камардами, туятошларнинг ковагидами бекинишиб, нафасларини ростлаб олишади. Унгача чўпонларни огоҳлантириб, баъзи чораларни кўриб қўйиши зарур. Тоғ тарафга енгил шабада эсаётгани сабабли яқингиналарида хавф пайдо бўлганини на чўпонлар ва на итлар сезишади. Эпкин ҳидларини терскай томонларга олиб кетаётганини айёр қашқирларнинг ўзлари билишади. Чўпонлар кўпроқ шундай пайтларда ғафлатда қолишади.

Йўлга тушишдан аввал Асроркул бир нарсани сезгандай, Қайрағочли тарафга яна бир назар ташлади-ю, қўрқувдан таёқдай қотиб қолаёзди. Бу сафар тағин бир қора юқорига эҳтиёткорлик билан ўрлаётганини кўрди. Наҳотки, қашқирлар кўпайишиб, учта бўлиб қолишган! Балки ортида яна бордир? Унда урди Худо! Иккитасиям олиб бориб, олиб келаётганди. Энди қўйларининг шўри қурийдиган бўлди. Кўпайишган тўдани ҳайдашнинг ўзи бўлмайди!

Атроф нисбатан қоронғилашиб қолганига қарамай, мудирнинг назарида кейингисининг юриши сал бошқачароқдай туюлди: ҳеч қандай ҳадиксиз, дадил ҳаракат қиляпти. Жуссасиям танишроқдай...

Кўзларини уқалаб, қайтадан каттароқ очиб қаради. Шунда қувончдан юраклари ёрилай деди. У Вафодорни таниган эди! Демак бўрилар дайдиб, Ўгат томонларга бориб қолган. “Бўрини оёғи боқади”, – дейишади-ку. Кўриняптики, улар бу тоғларнинг бўриси эмас. Вафодорни билса, сираям у томонга бормасди. Ғанимини қайси йўл биландир сезишади-ю, ғирра ортига қайтишади. Вафодор ҳам уларни пайқаган. Аксинча, қирқ чақирим жойга изларидан тушиб келмасди.

Шодлиги ҳаддидан ошиб, болалардек овоз чиқариб ҳайқирди:

– Ойнолайн журишингдан! Лаънати итқушларди бир додини бер-чи, чироғим! Бизди шу палакатлардан қутқарсанг, йигирмата семиз қўй – сени солиминг! Шу десанг, эгангга ҳаммасини ўзим элтиб бераман...

Ўйлаганидай, у етиб келганида чўпонларнинг бири милтиғини елкасига шунчаки ташлаганича иккинчиси билан гурунглашиб, қўра атрофида бепарво айланиб юришарди. Бу юришларида нафақат қўйлар, уларнинг ўзлари ҳам бўрининг қурбонига айланишлари ҳеч гап эмасди. Учинчиси – бош чўпон қўра ёнидаги уйча ошхонасида кечки овқат тайёрлаш билан овора. Яқингиналарида бўрилар писиб ётганидан беҳабар, дунёни сув босса тўпиқларига чиқмайдигандай бир кайфиятда.

– Наҳалбой! – мудир оддан тушаётиб овоз берди. – Тинчмисилар, ҳеч нимани сезмадиларингми?

– Ҳозирча тинчлик, – бамайлихотир жавоб берди бош чўпон. – Бошқа қўраларда нима

гап?

Асроркулнинг товушида ҳаяжон борлигини бош чўпон сизди. Ўзича бирор қўрага қашқир оралаган бўлса керак, деб ўйлади. Аксинча, тун ичида бу томонларга келиб юрмасди.

Мудир отини ошхона ёнидаги қозиққа боғлаб, шошилмай ичкарига кирди. Ўнинчи чироқ хирароқ ёритиб турган Наҳалбой чўпоннинг қораширғай юзларига бир зум индамай тикилиб турди-да, важоҳатига тўғри келмайдиган юмшоқ оҳангда сўради:

- Овқатинг тайёрми?

- Тайёр, қуйиб берайми?

- Ҳа... Абдуғаффорлардиям чақир. Шу десанг, атрофда итқуш бор, ҳадемай тўполон бошланади. Тезроқ овқатланиб, ҳозирлик кўринглар.

Наҳалбой Асроркулга бир коса шўрва қуйиб берди-да, шерикларини чақиришга чиқиб кетди. Чўпонлар келгунича у иссиқ шўрвани пуфлаб-пуфлаб ичиб бўлди ва ўрнидан турди. Эшик олдида Абдуғаффордани милтиқни олатуриб яна тайинлади:

- Тез бўлинглар! Милтиқ ўқланганми?

- Ҳа, - чўпон қисқа жавоб берди.

- Ўқларингдан тағин экита бер.

Атроф жуда ҳам тинч, бир осуда, ойдин тун бошланганди. Бундай кечаларда фавқулодда ёқимсиз ҳодисанинг юз беришига кишининг ишонгиси келмайди. Шу сабабданми, чўпонлар мудирнинг ваҳимасига унчалик ишонишмади. Овқатланиб бўлганидан кейин хўриллатиб чой ичаверишди...

Чўпонлар овқатланишга киришгач, Асроркул усти ёпиқ қўра деворидаги омонат нарвондан юқорига чиқди. Деворнинг баландлиги нари борса икки метр келади. Усти очик саҳни бир ярим метрлик девор билан ўралган. Кўп жойлари нураб анча пасайган.

Ҳар қандай қашқир ундан бир сакраб ўтиб кетиши мумкин. Мудир нураган жойларни вақтида таъмирлатиб қўймаганидан ўкинди. Одамзод шунақа – икки оёғи бир этикка тикилмагунича камчиликларини пайқамай юраверади. Пайқаса ҳам парвосизлик қилади.

У милтиқни отишга қулайлаб, тоғ томонни синчиклаб кузатди. Ой сутдай ёруғ бўлишига қарамай, бирор шубҳали нарсага кўзи тушмади. Ҳамма ёқда ўлик сукунат ҳукмрон. Аммо бу сокинлик алдамчилигини, қўйнида улкан хатарни яшириб турганини у билади. Тоғ томонга ҳануз енгил шабада эсар, шунинг учун у инсон зоти сезадиган бирор товуш ё ҳидни сойнинг қўра жойлашган қисмига келтирмасди.

Асрорқулнинг кўнглига ит қашқирлардан чўчиб, ортига қайтиб кетмадимикан деган фикр келди-ю, шу ондаёқ уни хаёлидан қувиб чиқарди. Вафодор одамлар таърифлаётганидай ит бўлса, асло бундай қилмайди. Тўрт-беш қашқир билан олишиб устун келган ит атиги иккита қашқирдан қўрқиб қочмайди. Қўрққанида иккита зўр қашқирнинг изига тушиб, шунчалик узоқ жойга келмасди. У хўроз эмаски ўз катагида зўрлик қилиб, сал нарироқда қанот силкиб қочса. Қаердадир шу атрофда қулай фурсатни кутиб ётгандир.

Мудир чўпонлари овқатланиб бўлгуничалик вақтни жимгина кузатиш билан ўтказди. Кейин воқеаларни тезлаштириш учунми, милтиғининг оғзини кўтариб, тоғ томонга ўқ узди. Ортидан бор овози билан бақирди:

– Ҳаҳ-ҳи-и-йй!! Ўйдаки-шш!

Мудир қаерда бўлсаям чиқар деган ўй билан, Вафодорни бўриларга қарши олқишлаган эди. Бу билан каттагина хатога йўл қўйганини ўзи пайқамади. Вафодор унинг ўзини кўрганини билмасди, аммо дилидаги бетоқатликни сезди. Янглишиб меням отиб қўйишмасин деган ҳис биланми, яқинидаги туятош панасидан озроққина чиқиб бўй кўрсатди-да, тисарилиб тағин бекиниб олди. Мудир шундагина хатосини англади. Бемаҳал ғовур кўтариб, беихтиёр ҳаммани, хусусан, бўриларни ҳам сергаклантириб қўйган эди.

Ошхонадагилар бўри келди деб ўйлаб, апил-тапил ташқарига отилишди. Тўрт ит

баравар ҳуриб чуввос кўтарди. Чўпонларнинг бири паншаха, иккитаси узун сириқлар билан қуролланиб, итлари ҳамроҳлигида мудир томон етиб келишди.

- Нима бўлди, ака, - сўради Наҳалбой пастда туриб. - Итқуш келдими?!

- Мунов туятошди панасида бир ит беркиниб турипти, - деди у Вафодор бекинган тошни қўли билан имлаб кўрсатиб. - Яна янглишиб уни жароҳатлаб қўйманглар.

Чўпонлар ҳайрон бўлишди: тўртала итлари ҳам ёнларида, мудирнинг айтаётгани қандай ит бўлди? Балки қашқирни кўриб шундай ўйга бордимикан адашиб?..

У Вафодорни аниқ таниганди. Қашқир бўлганида кўзлари учқунланиб, ёниб кўринарди. Қолаверса, у сираям ўзини намойишкорона кўрсатмасди. Керак пайтда ҳужумга ўтарди, холос.

Мудир пастга тушди. Деворнинг нураган жойларига биттадан чўпонни қоровулликка қўйди. Бўри ҳужум қилган тақдирда бир-бирларига ёрдамга етиб боришлари қийинмас. Керак пайтда итлар ҳам жим туришмас.

У керакли эҳтиёт чораларини кўрганига амин бўлиб, қўрага қайта чиқиб кетди.

11

Вафодор бўриларни Қавғолида, Деҳқонбойнинг ёнида қўйларга қараб юрганида пайқади. Тоғ устида қулоқлари қамишдай тикрайиб турган иккита қорани кўриб, тикилиб қолди. Қашқирлигини билгач жойида туролмай безовталаниб, атрофга югура бошлади. Чопганича сурувни бир айланиб чиқди. Четроқда ажралиб ўтлаётганларини ҳайдаб тўдага қўшди.

Деҳқонбой унинг одатдан ташқари ҳаракатларидан қандайдир хавф пайдо бўлганини сизди. Сой юзаси ва тоғ-тошлар орасини диққат билан кўздан кечирди-ю, бирор

хавfli нарсани кўролмади. Бироқ қаердадир қашқир пайдо бўлганини у аниқ пайқади. Ашаддий ғанимини кўрмаса ит бунчалик югургиламасди. Шунга қарамай кўрқмади. Ёнида Вафодор бор, нимадан чўчийди?

Итни бўрилар ҳам кўришди ва дарҳол чамасини олишди. Шу лаҳзадаёқ у билан таллашиб бирор натижага эришолмасликларини билишди шекилли, ортларига қайтиб, кунгай томонга тушиб кетишди. Деҳқонбойнинг ўзи бўлганида уни писанд қилишмасди. Иккиланмай қуйига эниб, қўйларининг камида ярмини бўғизлаб кетишарди. У эса бақириб-чақирганича қолаверарди.

Вафодор югурганича сойдан ўтди-ю, чопишини сусайтирмай юз қадамча наридаги тоққа тирмашди. Деҳқонбойнинг ҳай-ҳайлашларига қулоқ солмади. Бироқ ғанимлари аллақачон жуфтакни ростлаб қолган эди. Қидирганларини кўрган жойидан тополмагач, зир югуриб атрофни искалади. Қуриган хас-хашакларда арлон бўри билан қанжиғининг ҳиди қолганди. Тош ва буталарни паналаб, топилган ҳид бўйича изларидан тушди.

Тошлоқ ва бутазорлар олишувга қулай жойлар эмас. У душманларига ҳар доим яланг жойларда ҳужум қилган. Аксинча, нимагадир туртиниб-суриниб, кучли рақибнинг тагига тушиб қолиш хавфи борлигини биларди, шекилли. Очиқ жойлар ғанимига ҳам бир қадар қулайликлар беради, албатта. Вафодор бунга эътибор қилмасди. Ўзи эркин ҳаракатлана олса кифоя, рақибига тап тортмай ташланади.

Кўкбулоққа яқинлашаверишда ит қашқирларнинг изини йўқотди. Тўрт томонга югуриб излаб ҳам уларнинг ҳидини тополмай қолди. Шундаям қидирувни тўхтатиб ортига қайтмади. Шу ергача уларни пойлаб, изларини аниқ-тиниқ билиб келди. Бир марта узоқроқдан ўзларини ҳам кўрди. Лекин оралиқ масофани қисқартиришга уринмади. Гўё борадиган жойларингга бемалол бораверинглар, қаергача боришларингни кўрамиз ҳали, дегандай.

Қашқирлар қанот боғлаб учиб кетишолмайди. Қандайдир ҳийла ишлатиб, ҳидларини вақтинчага билинмайдиган қилиб кетишганини Вафодор пайқади. Шунинг учун ёйилиб оқаётган санглоқдан кечиб ўтиб, ҳид ахтаришни бу қирғоқда давом эттирди. Юз қадамча юқорилаб бориб, бўриларнинг ҳидини қайта топди. Шунда у арлон бўрининг

ўта айёрлигини сизди. Унга фириб бериш учун атайлаб қанжиғини эргаштирганича оқаётган сувнинг ўртасидан кечиб анча юқорилаган. Бундан маълум бўладики, қашқирлар ҳам Вафодорнинг ортларидан тушганини билишган.

У из қидириб анча ушланиб қолди. Шунга қарамай баландроқ бир бутани юзига олиб, ерга узала тушиб ётди. Қашқирларнинг янада узоқлашишига имкон берди.

Бир маҳал ботаётган қуёш яхши ёритиб турган Қайрағочли тоғининг ёнбағридан шошилмай кўтарилиб бораётган арлон бўрини элас-элас кўриб қолди. У итни адаштириб, ортига қайтишга мажбур қилганига ишонган чоғи, жуда бамайлихотир юриб кетаётганди. Тоғ тепасига чиққач, бурилиб ортига қаради. Қуйида ўзининг тоғдан ошиб кетишини кутиб турган қанжиғидан бошқа ҳеч нарсани кўрмагач, йўлида давом этди.

Вафодор шошилмади. Бироздан сўнг урғочи бўрининг ҳам тоғдан ошиб кетганини кўрди. Шундан кейингина сакраб ўрнидан турди ва ғанимларининг изидан кетди. Тоғ тепасига жуда яқин қолганида рўпарасидан эсаётган шабада қашқирларнинг ҳидини келтириб димоғига урди. Ит уларга кўринмаслик учун бир қадам ҳам олдинга силжимади. Ўнг томонига кескин бурилиб, тоғнинг бурни тарафига йўл олди.

Бурунга етгач, диққат билан сойни кўздан кечирди. Атроф хийлагина қоронғилашиб қолганига қарамай, пастдаги қўра, унга қамалган қўйлару атрофида юрган одамлар, бепарво тентираётган итларни аниқ кўрди. Ўзини чўпонлару итларга сездириб қўйиши ҳам хавфли эди. Итлар-ку, бегона итни кўрса акиллаб, оламни бошларига кўтаришлари аниқ. Чўпонлар ҳам уни қашқир деб ўйлаб ғовур кўтаришлари тайин. Вафодор бундан чўчимасди. Аммо ўзининг шу ердалигини бўрилар ҳам билиб қолиши ва вақт ғаниматда қочиб кетиши мумкинлигини ҳис қиларди. Унда яна қанча вақт сарфлаб, яқингинасида турган ёвларини қидиришни бошидан бошлашига тўғри келади.

Вафодор эҳтиёткорлик билан қўрага яқинроқ жойдаги туятош томонга ер бағирлаб силжий бошлади. Ўзини сездирмай етиб олгач, тошнинг ковагига кириб ётди...

Бир маҳал шабада қандайдир таниш ҳидни олиб келди. Бир-икки искалангач ўзини кўрмаса-да, бу ҳид уйларига борган ферма мудириники эканлигини илғади. Кейин

овозини ҳам эшитди. У бир эшитган товушни анчагача унутмасди. Шу сабабли ўзига янги иттифоқдош топилгандай, вужудида ажиб бир қаноат ҳиссини туйди. Барибир, то милтиқ отиб қийқирмагунича унга кўринмай турди. Кейин бир кўринди-да, унинг таниганини сезгач, яна паналади.

Асрорқул Вафодорни кўрса-да, ёнига чақирмади. Оралиқ яқин, паналаб турганига қараганда, бир нарсани мўлжал қилгандир, деб ўйлади. Милтиғини қайта ўқлаб, тоғ томонни жимгина кузатишда давом этди. Итнинг бу ерда ётганига қараганда, қашқирлар ўша томонда. Қачон чиқсаям шу томондан келади.

Орадан анчагина вақт ўтди ҳамки, ҳеч қаердан “тиқ” этган товуш эшитилмади. Чўпонлар зеркишди. Қўлларидаги таёққа суяниб, бир жойда қимирламай қаққайиб тураверишдан чарчашди. Нураган деворни кўриқлаб ўтиришдан кўра, кўра атрофида айланиб юришгани маъқул эди. Милтиқни қучоқлаганича тоғ томонга жимгина тикилиб туравериш мудирнинг ҳам жонига тегди.

- Наҳалбой, - бош чўпонни чақирди у. - Одамларингминан кўранинг бу томонига ўтиб, бир қатор бўлиб туринглар. Ораларинг ўн эки-ўн уч ҳаппойдан^[10] узоқ бўлмасин. Қўлларингдаги асбобларди маҳкам ушлаб, итларди тов томонга ўйдакишланглар. Иложи борича қаттиқроқ шовқин кўтаринглар.

У милтиқдан ўқ узиб, ҳай-ҳайсуронни биринчи бўлиб бошлаб берди. Унга чўпонлар билан итлар қўшилди. Бирдан кўтарилган шовқин-суронлардан сой ичи гумбурлаб кетди. Қачонлардан буён унгурда тинчгина бекиниб ётган қашқирлар бир қалқиб тушишди. Аввалги шовқинга деярили эътибор беришмаганди. Қўраларда баъзан шундай қилиб туришларини улар билишади. Қайсидир чўпон атрофда юрган йиртқичларни кўрқитмоқчи бўлиб ўқ узади, бир-икки қийқириб ҳам қўяди. Тамом. Шу билан у хотиржам тортиб, ётоғига кириб кетади. Ярим кечаларга бориб, ҳақиқий тўполонни қашқирларнинг ўзи бошлайди...

Бу галги қийқириқлар бошқачароқ чиқди. Арлон чўпонлар ўзларининг шу ерда фурсат кутаётганини пайқашганини сизди. Энди вақт ўтказишга ҳожат қолмаганини ҳис қилди. Шу сабабли ётган жойидан отилиб очикқа чиқди. Унга урғочиси эргашди. Одамлар ҳам, итлар ҳам уларни кўришди. Эгаларининг даъвати билангина чопганича

хуриб келаётган итлар бирданига тўхташди. Ўзларига таниш қашқирларни аниқ кўришгач, жонлари чиқиб кетаёзди. Беихтиёр рўпарасида туриб қолишди.

Йиртқичлар ичида арлон бўрига тенглаша оладигани йўқ ҳисоби. Буни ўзи ҳам билади. Ҳар қандай итга ёки итлар галасига тап тортмай борадиган бу йиртқич негандир Вафодордан ҳайиқди. Балки вужудидаги савқи табиий олишиб кўрмай турибоқ унинг ўзидан устунлигини билдиргандир. Шу туфайли бақамти келишдан ўзини олиб қочгандир...

Бир-бирларига суянибми ё билиб-билмай рўпарасига келиб қолган итларни кўриб, арлоннинг ғазаби туғёнга тушди. Тишларини шундай шақирлатиб юбордики, итларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди. Баравар ортларига бурилиб, ура қочишди. Арлон орқароқда қолган итни қувиб етиб орт оёғидан ғарчча тишлади. Шу ондаёқ илик суягини синдириб, ўзини бир четга ирғитиб юборди. У буралиб ангиллаганича жойида қолди.

Арлон унга қарамай, яна қочаётган тўданинг кетидан тушди. Ортдагисига яқинлашиб, бор кучи билан устига сакради. Зудлик билан белидан тишлаб, йўл бўйидаги йирик туятошга айлангириб урди. Қаттиқ урилганидан бош суяги ёрилган ит бир марта аянчли ангиллади-ю, ўлди. Олатасирдан фойдаланган урғочи қашқир жилдирабгина оқаётган сойнинг иккинчи тарафига ўтиб олди. Унинг дарахт ва буталар панасида кўра томонга елдай учаётганини на чўпонлар пайқашди ва на арлоннинг олдида жон ҳовучлаб қочаётган итлар.

Арлон ўзи жароҳатлаган ва ўлдирган итларга алаҳсиб, вақтдан салгина ютдирди. Қолганлари чўпонлар ёнига соғ-омон етиб келишди ва зорли ғингиб, оёқларига ўралишди. Улар хавфли душманларидан фақат одамлар кўмагидагина омон қолишларини билишади.

Итлар одамларга яқинлашганини кўриб арлон тўхтади. Одам бу – Одам. Ҳар қандай йиртқич унинг олдида тайсаллаб туради.

Ораликдаги масофа атиги йигирма қадамча келарди. Орқага чекинса ўққа учади, олдинда калтакларини шайлаб чўпонлар турибди. Шуларга андармон бўлиб

саросималанганида Вафодор довулдай бостириб келиб бўғзидан олди. Айти шу пайтда қўрада ҳам тасир-тусур бошланди. Мудир беихтиёр осмонга ўқ узиб, овозининг борича бақирди:

- Қўрага қашқир кирди! Қўрага чопинглар!! Мановини Вафодорнинг ўзи тинчитади, қўрага чоп, ҳамманг!..

Қандайдир бегона итнинг кушандаларига тап тортмай ташланганини кўриб, чўпонларнинг итларига ҳам жон инди. Қайтадан журъатланиб бўрига ташланишди. Бўғзи Вафодорнинг оғзида турган йиртқичнинг у ер-бу еридан тишлаб тортқилай бошлашди. Чўпонлар эса қўра томон югуришди: ким эшикдан, ким нураган девордан ошиб ичкарига киришганида, урғочи қашқир бир қўйнинг бўғзидан олиб турганини кўришди. Қолган қўйлар девор тарафга ғуж бўлиб бир-бирини олдинга сурар, боши билан тирқиш очиб илгариламоқчи бўлар, бусиз ҳам зичлашган тиғизликни баттар кучайтирарди. Аммо олдинга силжишнинг иложи йўқ эди. Ҳаммагаям жон ширин!

Урғочи бўри ҳар томондан сиқувга олинаётганини пайқаб, аҳволи чатоқлигини сизди. Оғзидаги чалажон қўйни қўйиб юбориб, бир сакрашда деворнинг нураган жойидан ошиб кетди. Ортидан чўпонлар ҳам чиқишди-ю, қаёққа кетганини билолмай қолишди. Қўранинг ортига ўтишиб, нарироқда дўмпайиб ётган ўлик бўрининг жасадига кўзлари тушди. Вафодор ишини битириб кетган эди. Тирик қолган итлар катта ишни ўзлари бажаргандай, эгалари олдида ликиллай бошлашди. Улар Вафодорга эргашмагандилар. Ваҳимада иккинчи қашқирнинг қўрага кирганини пайқашмаганди, шунинг учун бегона ит ортидан кетишмаганди...

Наҳалбой шотидан тушаётган мудирдан сўради:

- Боғоноғи ит қаёққа кетди? Бизгаям шундайчикини битмади битмади-да.

- Сизлар қочириб қўйғон итқушди қувиб кетди, - у жуда ҳам ишонч билан гапирди. - Ушлаб, ўлтирмай қўймайди уни.

- Қандай ит у?

- Ўгатлик Ўтаган мерган “юз қўйғаям бермайман” деган ит. Арзийдиям-да!

- Ҳ-а-а... Шунча узоқдан шу ёққа кептими?

- Қашқирлар овиб бориб қолғон бўлса, изини олиб келган-да. Қашқир отли жини бор, дейишади уни.

- Болалиғида ғашиққан бўлса керак-да.

- Қорасини кўрса, ё изини олса бўлди, қувиб етиб ўлтирмай қўймасмиш. Бировинг азонда манови сойди қараб чиқ. Итди чалғитмоқчи бўлиб шу томонға қочди, у. Нима бўғондаям одамлардан қочиб қутулди, шу десанг, итдан қутулолмайди.

Чўпонларнинг бири арлоннинг терисини шилишга кетди. Вафодорнинг изидан тушганини билса, шериги ўлсаям бу тарафларга яқинлашмайди. Иккитаси мудир бошчилигида қўйлардан хабар олиш мақсадида қўрага қайтиб кирди. Нураган девор ёнида қашқир бўғизлаган қўй хириллаб ётарди. Ҳозирча тирик. Наҳалбой уни ҳалоллаб олишни ёнидаги чўпонга топширди. Ўзи мудир билан бошқа қўйларни текшириб чиқишди. Худога шукр, бошқа талафот йўқ, ҳаммаси омон.

Мудир сўйилган қўйнинг гўштини чўпонларнинг ўзларига иссиқ овқатга қолдириб, қуйруғини тоза матога ўраб олиб қўйишни буюрди. У айтмаса-да, чўпонлар мақсадини тушунишди. Эртасига чошгоҳда бошқа отарлардан ўн олти қўйни аравага бостириб, Асрорқулнинг ўзи келди. Наҳалбойдан ҳам тўртта семиз қўйни ўзи танлаб аравага чиқартирди.

- Сен Ўгатти йўлиминан боравер, - тайинлади аравакашга. - Ўтаган мерган қишлоқди энг юқорисида туради. Мен тўғрисида кесиб чиқиб, сендан илгарироқ бориб тураман...

Вафодор келмаганида қашқирлар кечанинг ўзидаёқ, ози йигирма қўйни қийратиб кетарди. Бу ҳолат кейинги кунларда бошқа қўраларда яна такрорланарди. Мукофот учун ажратилган йигирмата қўй бундай катта чиқимлар олдида ҳеч нарса эмасди. Итига қилган меҳнатига яраша Мерганни шунча қўй билан мукофотласа арзирди. Бундан ташқари, қайтган бўлса эртароқ бориб, қуйруқни итга егизишни ўйларди. Унинг тишлари ҳали яна асқотиб қолади. Вафодорнинг қаердалигини Ўтаган мерган ҳозирча билмаса керак.

12

Вафодор арлон қашқир билан бўлиб, иккинчисининг қаёққа йўқолганини билмай қолди. Бироқ сездики, у вақт ғаниматда қочиб қолган. Қочганида қаёққа борарди? Барибир ундан қутулолмайди. Ер юзида бўлса, албатта, топади.

Тепароқдан келаётган итнинг ғингшиши диққатини бўлди. Нима бўлганини билишга қизиқиб, ўша тарафга йўл олди. Йўрғалаб кета туриб, тумшуғини осмонга кўтарганича ҳавони искалади. Ён томондан эсаётган шабада қаердандир урғочи бўрининг билинар-билинемас ҳидини келтириб димоғига урди. Бу ҳид нимаси биландир бошқа ҳайвонлар ҳидидан алоҳида ажралиб турарди. Унинг қайси томонга қочганини билиб олишига шунинг ўзи кифоя қилди. Бурилиб, шу ерданоқ таъқибни бошлагиси келди-ю, бироқ ярадор итга ёрдам бериш истаги ёлиб чиқиб, ўзини зўрға тўхтатиб қолди. У илиги синдирилган жинсдошининг зорли инграшини яна эшитиб қолди ва бир зумга бўрини ҳам унутиб, ўша томонга отилди.

Етиб келганида жароҳатланган ит чўзилиб ётарди. Оғриқнинг кучлилигиданми, ўрnidан туришга уринмасди ҳам. Орқа оёғининг синган қисми халтадаги темиртакдай ғайритабиий кўринишда буралиб ётарди.

Вафодор тумшуғи билан авайлаб кўтариб, уни ўрnidан турғизмоқчи бўлди. Майиб ит эса кўмакдан фойдаланиб туриш ўрнига, иккинчи томонига ағдарилиб тушди ва оғриққа чидолмай ангиллаб юборди. Вафодор шунчалик заифмисан, дегандай, аста ириллади. Бу таъсир қилди, шекилли, ит тинчиб қолди. Шунда у иккинчи томонига ўтиб, яна тумшуғи билан суяб кўтарди ва қорнига ётқизди. Бу сафар у олдингидай қаттиқ ангилламай, аста ғингшиди. Вафодор зудлик билан ортига ўтиб, думидан тишлаб кўтарди. Ит қайсарлик қилмай оёққа турди ва синган оёғини шалвиратиб оқсоқланганича қўра томонга юрди. Вафодор бир зум ортидан қараб турди. Қийналиб бўлса-да, манзилига етиб боришини сезгач, кунчиқар томонга кескин бурилди. Қайроғочлисойни энига кесиб ўтиб, кейинги тоққа кўтарила бошлади. Урғочи қашқир

шу тарафга қочганини билиб турарди. Энди уни қандай бўлмасин топиши лозим.

Вафодор юқорида тўхтаб, юзини шабадага ўгирганича қайтадан ҳавони искалай бошлади. Бу сафар негадир излаётган ҳидини тополмади. Маълум бўлди-ки, қашқир озроқ илгарилаб кетган ёки бир камарга кириб ётган. Илгарилаётган бўлса, шабада ҳидини олдинроққа олиб кетяпти.

Ҳозирги вазиятида бўри қаердадир паналаб ётиши мумкин эмаслигини сезарди. Фақат юриш ва яна юриш жонига ора кириши мумкин. Шу пайтгача айёр ва тажрибали арлоннинг етагида эди. Энди у йўқ. Шу туфайли қаёққа ва қандай кетаётганини ҳам тузукроқ аниқлаёлмай келарди. Лекин бир зум ҳам тўхтаб қолмаслиги зарурлигини ҳис қиларди.

Вафодор тоғ устидан жадал илгарилади. Бу йўл сойдаги бурилишлар, ўпирилишлар ва айланиб ўтишга мажбур қиладиган турли тўсиқларга нисбатан анча қулай, ҳамда юришини ундирарди. У қаердадир озроқ юқорилади, қаердадир озроқ қуйига энди. Тонгга яқин шабада келтирган урғочи қашқирнинг ҳиди яна гупиллаб димоғига урилди. Сездики, қашқир шу ўртада, анча яқинига келиб қолган. Шабада унинг ҳидини шу тарафга келтиргани ҳолда, ўзиникини тескари тарафга олиб кетарди.

Ит юришини сусайтирмай озроқ илгарилади-да, зувиллаб сойга энди. Шу ерда қашқирнинг йўлини тўсиб чиқди. Бўри унинг ҳидини ололмаганидан рўпарасига келиб қолганини ҳануз пайқаманди.

Вафодор сойга тушгач, йўл ёқасидаги тошнинг панасига узала тушиб ётиб олди. Қашқир хавфдан қутулганига ишонган ҳолда бамайлихотир йўртиб келарди. Ит бу сафар негадир ўзи ўрганган усулдан фойдаланмади. Ғаними тошнинг рўпарасига келгач бир сапчиб, умуртқа суягидан ғарчча тишлади ва айлангириб бошини тошнинг қиррасига урди. Бу билан ҳув Қорақушнинг сиртида одамхўр бўрига дуч келганини эслагандай ва ўшанинг аламини қайтариб олгандай бўлди.

Қашқир кутилмаган ҳужумдан гангиб, бирор йўсинда қаршилиқ қилишга ҳам улгуролмади. Боши тошга зарб билан урилгач, ерга чўзилиб тушди. Вафодор шундан кейингина бўғзига тишларини ботирди ва кекирдагини узиб юборгач, кўзларига ғазаб

билан тикилди. Унда жон асари қолмаганини пайқагач, бамайлихотир тоғ томонга ўрлади. Ортида қолган қашқир жасадига қайта ўгирилиб қараб ҳам қўймади.

Вафодор уста мерганларга ҳам тутқич бермаган, чўпонларни даҳшатга солган бўриларни ортиқча олишувларсиз даф қилиб, бу гал ҳам ғолиб бўлди. Буни ҳали Қайроғочлисойдаги чўпонлару мудирдан бошқа ҳеч ким билмасди. Тўғри, иккинчи бўрининг ўлигини ҳозирча улар ҳам кўришмади. Лекин итга ишонишарди. Ахир у – Вафодор, уч-тўрт бўри билан ҳам тап тортмай олишиб, ҳаммасини даф қилган зот. Битта қанжиқнинг масаласини ҳал қилиш нима бўлибди унга!

13

Деҳқонбой қўйларигаям қарамай ҳаллослаб, Ўтаган мерганнинг уйига югурди:

– Мерган бова-чи, Мерган бова! – ўпкаси бўғзига тикилиб, кўрганларини хабар қилди. – Вафодор бир нарсани қувалаб, Қовғалининг бошиға чиғиб кетди. Чақирганимгаям қарамади!

– Нимани қувалади? – босиқ товушда сўради у. – Нечтайди улар?

– Мен ҳеч нарсани кўрмадим, човған баравар Қовғалидан ошиб кетди.

– Чақирғанинга қайтмағаниға қараганда итқушларди қувалаған-ов. Қўзи-улоқларга айланишмаса, тулки-пулкиминан иши бўлмайди уни...

Мерган шошилмай ўқдонини белига боғлади. Милтиғигаям иккита ўқни жойлаб елкасига илди-да, Деҳқонбой билан Қавғоли тарафга юрди. Уни қўйлар ёнида қолдириб, ўзи тоққа чиқиб кетди. Тепадан тоғ ортидаги сойларни бирма-бир назардан ўтқизди-ю, кўзига илингулик бирор жондорни кўрмади. Хаёлидан ит қашқирлар изидан Хонтоғи ё Қўйтош тарафларга кетган-ов, деган фикр кечди. Хонтоғи – анча бузуқ тоғ, яширинишга қулайлигини айтмаса, қашқирнинг у тарафга юриши гумон.

Кўйтош томонга энса, шаҳарчагача бормайди. Кундузи одамлар бор жойдан четлаб ўтишади. Бундан чиқади-ки, у анча юқоридан, тошларни паналаб қочади ва Кўкбулоқ тарафларга ўтиб кетган.

Кейинги тахмин Мерганнинг дилига ўтиришди. Яқинда Кўкбулоқнинг ферма мудури йигирмата қўй ваъда қилиб, итини сўраб келганди. Уларни безор қилган ўша қашқирлар қандай сабаб билан бу томонларга оғишган? Отарларида милтиқ билан итларни кўпайтиришганми? Мерган овчилар эпллмаган қашқирларни милтиқнинг пақиллашига маҳлиё бўлиб, пала-партиш ўқ узаверадиган чўпонлар нима ҳам қилларди. Қишлоқ итлари зўр қашқирларни кўрса писиб кетиши маълум.

Мудир айтган қашқирлар ёлғиз эмасди. Вафодорнинг изидан тушгани ўшалар бўлса, иккитадир. Бу тарафларга милтиқ ё итлардан қўрққанидан эмас, шунчаки улоқиб келган. Балки терскай томондан энган ёлғиз бўридир. Шундай бўлса, уни бугуноқ тинчитиб уйга қайтади.

Хў бирда итини қидириб Шоғишмон тоғларида сарсон бўлгани Мерганнинг ёдида. Бу сафар ҳам билиб-билмай Кўкбулоққа бориши бефойдалигини англади. Ит қувлаган қашқир отарлару қўраларга яқинлашмайди. Имкони борича четга, кимсасиз жойларга уради ўзини. Шундай экан, ортиқча оворагарчиликка чек қўйиб, озроқ сабр қилгани маъқул.

У оғир-оғир қадам ташлаб ортига қайтди. Вафодорни изламай тўғри қилдиммикан, деб ўйлади. Излаганида қайси тоғдану қайси унгурдан ахтаради? Тоғларда бундай кунжаклар сон мингта. Бирма-бир қараб чиқишга умри ҳам етмас.

Барибир итидан қаттиқ хавотирланарди. Вафодор биринчи бор қашқирга рўпара келганида ҳали ёшроқ эди. Ўшанда икковлашибгина одамхўр йиртқични даф қилишнинг уддасидан чиқишганди. Сал бўлмаса, у итини майиб қилиб қўяй деганди. Бунини асло унутмади ва қашқир зотининг қон душманига айланди. Қаерда кўрса ё ҳидини сезса бас, озу кўплигига қарамайди. Қўрқмай ташланади. Шу феъли Мерганни хавотирга солади. Уйлиқиб юришганида тўдаларига тушиб қоладими, деб қўрқади. Озлигига қарамай Кўкбулоқда пайдо бўлган бўриларни ҳам жуда кучли ва пихи қайрилган деб эшитади. Қувлаётгани ўшалар бўлса, Вафодорнинг бир ўзи туриш

берармикан?

Элётар бўлди ҳамки, Ўтаган мерган кўз юмолмади. Негадир хавотири ортиб борарди. Балки қашқирларни қувиб, Ғаллаорол томонларга ўтиб кетгандир, деб ўйлади. Унда эртага ҳам қайтмайди. Эшак миниб тоғма-тоғ қидиришига тўғри келар. Нима бўлибди, керак бўлса Ойқорга ҳам боради!

У тонгни жуда илҳақ бўлиб, уйқули-уйғоқ оттирди. Орада уч-тўрт марта Вафодор келдимикан, деган умид билан ташқарига чиқиб келди. У қайтмади. Ўзи не аҳволда-ю, кампирининг пиш-пиш ухлашидан ғаши келди. Жаҳл устида уни тепиб юборай деди-ю, ўзини тийди. Дунёни сув босса, ўрдак билан ғозга нима ғам! Бир тепганида ити келиб қолса экан. Хоназот ҳайвоннинг йўқлигини билиб ҳам бу ўрдакмижознинг бепарво ётишини кўр! Одам деганиям шунчалик беғам бўладими?..

Кеч пешинларга бориб чидолмади: нафақат уйига, ҳатто ҳовлисига ҳам сиғмай қолаётганга ўхшади. Апил-тапил ўрнидан туриб, йўл ҳозирлигини кўра бошлади. Кечаси Қўйтошда тунар. Азонда йўлга чиқса, кун кўтарилганида Кўкбулоқда бўлади. Шу ерда ити тўғрисида, ҳеч бўлмаса, бирор хабар эшитар. Чўпон-чўлиқлар ҳушёр бўлишади, атрофда юрган бегона ҳайвонларга бепарво қарашмайди.

Ҳовлига чиққанида отдан тушаётган ферма мудирини кўрди. У бирор яхши хабар келтирганини фаҳмлади. Қувонганидан, ўзидан анча ёш бўлишига қарамай, ундан олдин салом берди.

- Ва алайкум ассалому, ассалом алайкум, оқсоқол, - у майин жилмайди. - Итингизди излаб кетяпсиз чоғи?

- Шундай... - Мерган қўлини оларкан, кўзига илҳақ бўлиб тикилди.

- Изламай қўяверинг, ҳадемай ўзи келади.

- Сизлар томонга борипти-да.

- Ҳа, шу десангиз, катта ишди битирди итингиз - на итлар ва на овчилар қилолмаган ишди эплади у: кўз олдимда итқушди арлонини бувип ўлтирди. Кейин қанчиғини

изидан қувип кетди. Тонг отғунча униям тинчитғандир. Ақлига қойил қолдим уни, шу десангиз, бир хил одамлардан фаросатлироқ кўринди!..

- Бувип ўлтириш – Вафодорди адиси. Бошқа ҳеч бир ит бундай қилолмайди.
- Кўрибоқ танидим. Ҳў бирдаям кўриб кетувдим-да.
- Уйга кириш, чойлашамиз.
- Албатта, кираман, балки сиздикида тунаб ҳам қоларман.
- Мановини Вафодорингиз келган заҳоти егизарсиз, – у хуржунидан камида етти-саккиз кило келадиган қўй қуйруғини чиқариб Мерганга узатди. – Ўзингизга аталғани аравада келаётир.
- Менга ҳеч нарсангиз керакмас, итим соғ-саломат келса бўлди.
- Шу десангиз ака, мундайчиқин итди тарбиялашди ўзи бўлмайди. Сиз меҳнатингизга ярашасини оласиз. Вафодорингиз бўлмағонида итқушлар шу қўйлардиям ўлтириб, ҳалол молларди ҳаромға чиқариб кетарди. Буған қош қайтарсангиз, сиздики куфр бўлар-ов...

“О-о-о бола тушмагур, жон жойимдан ушлади-ку, – кўнглидан ўтди Мерганнинг. – Энди унга нима деб бўлади? Бироқ Вафодор ҳам ўз хизматлари билан у қилган меҳнатни оқлапти-ку. Бу ёғи қандай бўлади?”

Асрорқулнинг гапларига тайинли жавоб топиб айтолмаганидан, Ўтаган мерган индамай қўя қолди. Асрорқул эса ўтган тунда юз берган воқеаларни ижикилаб, миридан-сиригача сўзлай бошлади. Буни эшитиш мерган учун мароқли эди.

Орадан йигирма йиллар ўтди. Вафодор ҳамон куч-қувватдан қолмаганди.

Кўкламнинг охирлари. Қуёш эндигина кўтарилиб келарди. Одамлар битта кўйлак билан юраверса бўладиган илиққина кун. Деҳқонбой кўйларни яйловга ҳайдамоқчи бўлиб турарди. Мерган билан кампири йўлга солишга ёрдамлашишарди. Сойдан ўткизиб юборишса бўлди, у ёғига Вафодорнинг ўзи боқиб кетаверади. Деҳқонбой ишга боради. У энди конда ишларди.

Шу пайт Ирғайли томондан лайчадан каттароқ бир қора ит отилиб чиқиб, улар томонга чопиб кела бошлади. Олдинда турган Вафодор бир зум унга ажаблангандай тикилди-да, шартта бурилиб кўйларни орқасига шиғаб ҳайдади. Мерган ҳеч қаяққа қарамай ўзлари томонга югураётган бегона итни кўрмаган эди. Шунинг учун итининг қилиғидан ҳайратга тушди. Нима бало, қутуряптими у, деган фикрга ҳам борди.

Вафодор кўйларни қувлаганича қишлоқ йўлига тушириб, тезгина ортига қайтди ва қора итнинг йўлини тўсиб чиқди.

Ўтаган мерган шундагина гап нимадалигини тушунди. Қора итнинг яқинлашиб қолганини кўрса-да, ҳеч нимани фаҳмламай, анқайиб турган Деҳқонбойга бор овозида ҳайқирди:

- Нега анграясан, ҳей! Тез уйга чоп-да, милтиқди олиб чиқ!

- Сен ҳам анқаймай уйга кир, манови итти кўрмаяпсанми! - ўдағайлади кампирига қараб.

Ниҳолой момо гап нимадалигини шундагина фаҳмлади, шекилли, уйи томонга қочиб қолди. Ўзи эса Вафодордан илгарироқ етиб, қутурган қора итни тепкилаб бўлса-да, қайтариб туришни ўйлади. Одамни туман марказидаги зўр дўхтирлар даволайди. Озроқ қийнашса-да, шифосини топишади. Нима қилиб бўлсаям манови балодан итини асраб қолиши керак. Одам даволайдиган дўхтирлар итига қарашмайди, уни қабул қиладиган шифохона йўқ.

Ўтаган мерган ҳайвонларни турли касалликлардан фориғ қиладиган байтарлар^[11]

борлигини билади-ю, вақтида олиб боришса қутуришнинг ҳам олдини олиб қолишларини сира эшитмаган. Бу касаллик ёйилиб кemasлиги учун қутурган ҳайвонларни, дайди итларни отиб, ўлигини ёқиб юборишлари ёки кўмиб ташлашларини эшитган, холос...

Мерган қўйларни қувиб юбориб, ортига қуюндай учиб келаётган Вафодорнинг олдига чиқди ва ҳай-ҳайлаганича уни тўхтатмоқчи бўлди. Ит негадир бўйсунмади. Аксинча, тўхтатиб қолмоқчи бўлаётганидан ғазаблангандай ўмрови билан бир уриб, четроққа ағдариб ўтиб кетди ва қора итга рўпара келди. Унинг мияси тамом айниб бўлган, шекилли, олдидаги баҳайбат итдан зиғирчаям қўрқмади. Кўзлари шом уфқидай қизарган. Тили оғзига сиғмаётгандай бир қаричча осилган. Ундан салгина кўпикланган сўлак тинимсиз ерга томчилаб турарди. Орқа оёқларида тик туриб, Вафодорга ташланмоқчи бўлаётганида Вафодор унинг бўғзидан ғарчча тишлади. Қора ит бўғзини жингиртоб қилиб қисаётган тишлардан қутулмоқчи бўлибми ё шунчаки жунун оғушидами, бошини у ёқ-бу ёққа силтаб типирчилади. Шу ҳаракатлари давомида оғзидан оқаётган сўлак Вафодорнинг юзлари ва бурнига суркалиб кетди.

Афтидан, нафас олганида сўлак канширигига ҳам ўтиб кетган, шекилли, бўғилиб ўлган итни бир-икки силтаб, сой томонга отиб юборди. Бошини ерга эгиб қаттиқ пишқирди.

Вафодор ўлган итга қайта даф қилмади. Айни шу дамда Деҳқонбой келтирган милтиқни қўлига олиб, Мерган итининг олдига ўтди. Қимирламай ётган қора итнинг бошини нишонга тўғрилаб, милтиқ тепкисини босди. Аммо “чирқ” этган овоз эшитилди-ю, милтиқ отилмади. Шундагина овдан ташқари пайтларда уйи деворига осиб қўйиладиган милтиғини ҳеч қачон ўқи билан қолдирмаслигини эслаб, қўли билан бошига бир-икки нуқиди:

– Хомкалла! – деди овоз чиқариб.

У милтиғи сумбасини олдинга тўғрилаб, эҳтиёткорлик билан қимирламай ётган ит томонга юрди. Яқинроқ бориб, синчиклаб қаради. Ўлганига амин бўлгач ортига ўгирилди. Ҳануз қимирламай жойида мунғайиброқ турган Вафодорга кўзи тушиб ҳайратланди. У сираям бундай ҳолатда турмасди. Нима бўлдийкин?

Нима бўлганини аниқлаш учун озроқ яқинлашганди, у ортига тисланди. Тўхтаганди, ит ҳам тўхтади. Тезлаброқ юрганди у бурилиб қочиб, йўлга чиқиб кетди. Бурилаётганида ортидаги сўлак изларига кўзи тушиб, Мерган титраб кетди. Жонининг борича югурмоқчи бўлаётганида Деҳқонбой тўхтатди:

– Сиз унга етолмайсиз, мен борай, бова.

– Борақол.

Қавғолининг устида кўринган қашқирларни қувиб кетаётган пайтидагини айтмаса, Вафодор унинг чақириғини ҳам бирор марта эътиборсиз қолдирмаган. Бу сафар нимадир бўлган: бақир-чақирларига мутлақо эътибор бермади, ақалли бурилиб қарамади. Нима бўлди экан?

Деҳқонбой қутурган ит қопган одам ё ҳайвон қирқ кун оралиғида, албатта, қутуришини эшитган. Қора итнинг қутурганини ҳам пайқади. Аммо у Вафодорни тишлай олмади-ку! Боз устига ҳозирданоқ унда бундай аломат кўринмаслиги керак...

Нима бўлганига тушунолмай, таъби тирриқ бўлиб ортига қайтди. Етиб келганида Ўтаган мерган ён-атрофидаги шох-шаббаларни оёғи билан босиб синдириб, шошилмай қора итнинг устига тахлаб босмоқда эди.

– Вафодор менгайм ушлатмади, бова, ўғон бир бало бўлганми?

– Қўрадан устига кигиз парчаси ташлаб қўйилган идишдаги ермойни^[12], тандирнинг бошидаги учи қайрилган темир косовни олиб кел, – буюрди у Деҳқонбойнинг саволига жавоб бермай.

Деҳқонбой бурилиб кетаётиб Мерганнинг ғазаб ва нафратга тўла, ғамгин овозини эшитиб бир қалқиди: демак, аҳвол чатоқ, Вафодордан айрилиб қолиш хавфи бор!

– Лаънати лайча, қўлингдан бит ўлдириш келмасаям менинг баҳосиз итимди хароб қилдинг-а! – деди у ўксиб...

Ўтиннинг устидан тагидаги ўлик итни ҳам бўктириб керосин қуйишди. Кейин

гуриллатиб олов ёқишди-да, ўзлари четроққа ўтишди. Шу ерга ҳам жизғинак бўлиб ёнаётган гўшт ҳиди етиб келгач, яна орқароққа чекинишди.

Ниҳоят, олов сўнди. Деҳқонбойга четроқдан чуқур ковлашни буюриб, қолган ишни Мерганнинг ўзи бажарди: темир косов билан бозиллаган чўғ ичидан итнинг тиришиб-буришиб кабобга айланган жасадини чиқариб олди. Чўғни яхшилаб бир жойга қайтадан уйди. Устига жасад қолдиғини иккинчи томони билан ётқизиб, тағин шохшаббаларни синдириб боса бошлади. Устидан яна керосин қуйди. Олов гуриллаб кўтарилгач, Деҳқонбойнинг ишини кўришга ўтди.

Кутурган итнинг устига шох босиб, керосин қуйиб у ёқ-бу ёғи уч соатдан ортиқроқ куйдирди. Энди унинг ярим кўмирга айланган суяк-саёқларигина қолди. Уларни ҳам эски латтага битта қолдирмай териб, латта-паттаси билан Деҳқонбой ковлаган чуқурга ташлади. Шу билан алами тарқайдигандай, юрагини кемираётган даҳшатли гумонлари босиладигандай, човада қолган керосиннинг ҳаммасини суяклар устига қуйиб гугурт чақди. Ёниб бўлгач, устидан соз тупроқ ташлаб, тепкилаб-тепкилаб кўмди.

15

Вафодор қора итнинг қутурганини кўргани заҳотиёқ пайқади. Шунинг учун қўйларни тириқтириб қувди. Уларни-ку етарли даражада ҳавфдан узоқлаштирди. Аммо эгалари хатарда қолди. Ит, албатта, уларга заҳмат еткизади. Буни сезиб, дарҳол ортига қайтди. Келди-ю, ўзига халақит бермоқчи бўлган Мерганни йиқитиб, қутурган ит билан одамлар орасига туриб олди.

Қора ит қандай итга рўпара келганини ҳис қилолмади, ўлар-тириларига қарамай Вафодорга ташланди. У томоғидан олганида типирчилаб, сўлагини юзлари ва бурнига суркаб юборди. Буниси камлик қилгандай бўғзидан чиққан қоннинг бир қисми маҳкам сиқиб турганига қарамай, тишлари орасидан сизғиб оғзига озроқ кирганини ҳам сизди. Бунинг ҳалокатга олиб боришини билгани ҳолда вазифасини охиригача бажарди.

Вафодор Мерганнинг ўзи тарафга келаётганини кўриб тисланди. У эгасининг одатдагидек бошлари, жунларини силаб-сийпалаб эркалатмоқчилигини билади. Бунга йўл қўймаслик учун охири қочди. Шу важдан Деҳқонбойга ҳам тутқич бермади. Савқи табиий, у ўзига тузатиб бўлмас дард юқтирганини сезган эди... Деҳқонбой қайтганини билгач, бемалол, одатдагидек йўртиб Келитошгача борди. Кейин кескин ўнгга бурилиб, юқорилади. Одамлар яшамайдиган жойга етгач чапга бурилди. Олдидаги катта қирдан ошгач, сойдаги булоққа тушди.

У бўриларнинг тишлари орасидан сизғиган қонларини ютган. Бироқ бу сафар қутурган итнинг қонини ютмади. Бурнига кетган сўлакни пишқирганида оғзидаги қон юқини ҳам чиқариб ташлашга ҳаракат қилди. Бироқ буни қанчалик эплаганини Худо билади. Ихтиёрийми, беихтиёрми булоққа оёғини тикиб, юзларини мушукка ўхшаб ювди. Тумшугини тикиб, одатдагидек ялаб эмас, одамга ўхшаб тортиб, бир-икки марта пишқириб ташлади. Бундан кўнгли тўлганми, йўқми, ҳар қалай ўрнидан туриб, Канали тоғини ёнлаб, дашт томонга йўл олди.

Мерган куз кунларидан бирида қўйларни Деҳқонбойга қолдириб, Вафодор билан Қийқим даштига, булдуруқ овига бирга борганди. Ўшанда Вафодор Камаровул қишлоғи этагида қандайдир чуқурликдан бир гала каптарнинг париллаб ҳавога кўтарилганини кўрди. Хўжайини негадир уларга ўқ узмади. Баъзан шу турдаги қушларни ҳам овлаганини кўргани учун ҳайрон бўлганга ўхшади. Шунчаки қизиқиб, ўша чуқурликнинг ёнига борди ва тагида сув йилтираётган эски бир ташландиқ қудуққа рўпара келди. Оғзига яқинроқ жойдан каптарлар тирноқлаб ўзларига уя ясаб олишганди. Бундай уяларга қўйилган тухумларни дашт илонлари ололмайди.

Кейинчалик итнинг кўзига шу ташландиқ қудуқ кўриниб кетди ва имкони борича одамлар яшайдиган жойларни четлаб, ўша тарафга юрди. Нега айнан шу томонга юрганини ўзи ҳам аниқ-тиниқ тасаввур қилолмади. Қувваи ҳофизасида фақат бир нарса оғир тошдай қотиб турарди: одамлар ва ҳайвонлардан олисроқда юриш! Шундай қилса ўзига ва бошқаларга ҳам яхши бўлишини сезиб турарди.

Қуёш ботишига яқин Камаровулга кириб борди. Ҳозир бу овул йўқ. Одамлари пахтакор туманларга кўчиб кетишгани боис, ўрнида қулаган, нураган вайроналар қолган. Эшик, ром ва тўсинларини атроф қишлоқларда кўчмай қолган одамлар аллақачон очиб,

бузиб, ташмалаб кетишган. Лекин ўгатликлар қачонлардир гуркираган қишлоқ ўрнини ҳамон Камаровул дейишади. Ёдгор бўлиб унинг номигина қолган...

Гарчи шошилиб келган эса-да, Вафодорнинг дарҳол ўлгиси келмади. Қандай билгани номаълум, аммо бунга ҳали фурсати етарли эканлигини сезди. Шунга қарамай, қудуққа яқин борди ва тумшуғини у ёқ-бу ёққа ўгириб тагига қаради. Ҳидлаб кўрганди, бурнига қандайдир зах ва қўланса ҳид урилди-ю, тагида сув йўқлигини пайқагач, ҳайратланганга ўхшади. Фойдаланилмагач суви озроқ бўлсаям кўтарилиб ивигани боис, пастки деворлари ўпирилгани ва одамлар қавғони кўтариб турадиган тўсинлари-ю, қопқоғигача ташмалаб кетишгач, атрофини турли ҳашаротлардан муҳофаза қилиб турувчи икки пахсали девор ҳам қор-ёмғирлар таъсирида ичига қулаганини у билмасди. Атрофида тўсиқ қолмагач, ёзнинг охирлари ва кузда тинимсиз эсадиган дашт шамоллари бандидан чирт узилган туяқоринларни юмалатиб, чанг-ғубор аралаш қўзиқулоқ ва чўп-хасларни учириб келиб тагига босарди. Онда-сонда шиддат билан осмону фалакка кўтарилиб, қудуққа тўғри келадиган қуюнлар ҳам майда-чуйдалар билан бирга бир-икки челак чанг-тупроқни ундан аяшмасди.

Вафодор аста ўрнидан турди. Қиличмозор томонга тасмадай чўзилиб кетган арава йўли ёқасидаги буғдойзор орасига йигирма қадамча илгарилаб, узала тушиб ётиб олди...

Атрофни алвон рангига бўяб, қуёш Қорачатоғ ортига ботди. Ён томондан чўл бақасининг чўзиб қуриллагани эшитилди. Аста-секин атрофни сурмаранг қоронғилик ўраб кела бошлади. Бироздан сўнг Қўйтош тоғлари ортидан бир чети озроқ кемтилган зарҳал ой кўтарилди. У оламни чулғаган зулматни қувиб тобора тиниқлашар ва сут рангига яқинлашиб борарди.

Дафъатан Вафодорнинг кўзи кўк тоқида сокин сузаётган ойга тушди ва узоқ тикилиб қолди. Унда нимани кўргани ва нимани ҳис қилгани номаълум, аммо бир маҳал ўрнидан туриб, ота томонидан аждодларига ўхшаб чўзиб увлади. Гарчи у бўрига ўхшаб увласа-да, вужудида уларга сираям яқинлик сезмади. Аксинча, бир умр одамлар ва уй ҳайвонларини ўзига дўст тутди: эгасига суянди, унинг мол-ҳолини турли бало-қазолардан қўриқлади.

Айни шу пайтда Ўтаган мерган билан Деҳқонбойни жудаям кўргиси келди. Инсоний соғинчга ўхшаш бир туйғу юрагини жунбишга келтирди. Кўз олдидан виқорли тоғлар, осмонга бош тираган чўққилар сузиб ўтгандай бўлди. Қашқирдан бошқа ундаги ҳар бир жондор, ҳар бир бута, ҳар бир тош ўзига қадрдон бўлиб қолганди. Энди шулар ичида энг муҳими – эгаларини яна бир мартагина кўрса, ҳув болалик чоғларидегидек бир мартагина олишиб ўйнасаydi. Кейин армонсиз ўларди...

Бу истакни амалга ошириш қийин эмасди. Лекин вужудини зарпечакдай чирмаётган шу туйғуга таслим бўлса, у Вафодор бўлолмасди. Бундай истакларга бўйсунар даражада ожизлик қилганида, вақт ва куч сарфлаб бу тарафларга келиб юришига ҳам ҳожат йўқ эди. Бошқа итларга ўхшаб тинчгина эгалари ёнида қоларди. Бир куни қутуриб ўларди ва ўзи севган, ўзи суянган одамларни ҳам бу қисматдан бенасиб қолдирмасди.

Жуда мажбур бўлиб қолмаса, уни ўлдиришга ҳеч қачон Мерганнинг қўли бормаслигини Вафодор билади. Айнан шунисидан қочди. У эгасининг ўқидан ўлиши керак эмас. Лекин истайдими-йўқми, бир куни шундай бўлиши муқаррар. Бу ораларидаги ададсиз меҳр риштасини батамом узиб юборади. Вафодор кўзга кўринмас бу риштанинг узилишини эмас, умрбод сақланиб қолишини истади. Ўзи қаердадир ўлса ўлар, аммо меҳр қолсин! Шу туйғу уни овлоқларга етаклади.

16

Ўтаган мерган итини кўп қидирди. Келитошгача боргани ва шу ердан ўнгга бурилиб, юқорига ўрлаганини ҳам кўришган. Келитошдан юқоридаги уйларгача, оралиқда анча узилиш бор. Вафодор айни шу жойда йўқолган. Тепароқдаги уйларда яшовчиларнинг бирортаси кўрмаганига қараганда, у шу оралиқдан ўнгга бурилиб Қорақуш томонга ёки чапга бурилиб дашт тарафга кетган.

У аввало тоғ томонни “элак”дан ўтказишга қарор қилди. Икки ҳафтага яқин тентираб, бирор ўнгир, сой ёки кўзига бундайроқ кўринган улкан тошларнинг ковакларигача

қолдирмай қараб чиқди. Бироқ итининг на ўлигини, на тиригини тополди. Шунданок тоғ оралиқларида бекорга сарсон бўлганини тушунди.

Мерган бефойда қидирувларни тўхтатиб уйига қайтди. Аммо оёқ узатиб ётолмади: юраги ҳаприқиб тоқатсизланди. Негадир даштларни ҳам қараб чиққиси келаверди. Тоғ оралаб қирқ-эллик чақирим жойларга бориб-келиб юрган ити ниҳояти ўн чақирим ҳам келмайдиган Қийқим даштлари ёки Ёзкечувда адашиб юргандай бўлаверди. Топса, албатта, уйига олиб келади ва занжирлаб бўлса-да, боқади. Яқинига на мол, на одамни яқинлаштиради. Ажали етиб ўлса, ўзи ўсган ўрани қайта очдириб, унга кафанлаб кўмади. Вафодор шундай эъзозга муносиб ит!

У Келитошдан олдинги сафар тоққа кўтарилган жойигача борди. Шу ердан чап тарафдаги қирга қиялаб кўтарилиб, сойдаги булоқ бўйига энди. Атроф анча ёришиб қолган. Шунинг учун эшагидан тушиб, юз-қўлини ювиб олмоқчи бўлди.

Булоқ бошига чўнқайиб ўтирганида беихтиёр икки қадам наридаги соз тупроқда муҳрланиб қолган изларга кўзи тушди. Из каттагина, залворли итники эканлиги яққол билиниб турарди. Бу белгилар Вафодорга хослигини пайқаб, Мерган қувониб кетди. Юз-қўлини ювишни ҳам унутиб, из бўйлаб жадал юрди. Нарироқдаги ўт-ўланлар орасида у ғойиб бўлди. Лекин Мерган Вафодорнинг даштга кетганини аниқ билди. Шу туфайли булоқ бошига қайтиб, бамайлихотир ювинди.

Тушга яқин Кўрбулоқдаги бир танишиникига қўнди. Ҳам наҳорлик, ҳам тушлигини шу ерда қилиб олди. Уй эгаси ва уни кўриш учун кирган қўни-қўшниларида суриштирди. Итининг йўқолганини булар ҳам эшитишган экану кўрдим дейдигани топилмади.

- Балки Қўрғонжар ё Янгиқишлоқдагилар кўришгандир, йўл устида сўраб ўтарсиз, - деди бирови уни умидлантириб.

Бу қишлоқларда ҳам умиди пучга чиқди.

Шу ердан Қийқим даштлари бошланади. У - кенг Ёзкечув даштларининг кичик бир қисми. Икки томони асосан денгиздай чайқалаётган буғдойзор, ора-сира нўхат ва лалми қовун-тарвузлар экилган пайкаллар оралаб Камаровулга ҳам етди. Вайроналар орасига қанчалик синчиклаб назар ташламасин, бу ерда ҳам Вафодорнинг қораси

кўринмади. Ташландиқ кудуқ тарафни ҳам кўриб ўтишни хаёлига келтирмай, Қиличмозорнинг йўлига тушди.

Овчилар бошқаларга нисбатан сезгирроқ бўлишади. Анчадан буён давом этиб келаётган асабийлик ва чарчоқ Мерганнинг диққатини озроқ сусайтирганми, шу ерда – йўлдан атиги йигирма қадамгина нарида ити яшириниб ётганини илғамай ўтиб кетди. Вафодор эса уни вайроналар ортидаги тепаликка кўтарилганидаёқ кўрди. Юраги бир ҳаприқиб тушди, аммо ерга қаттиқроқ қапишиб олди.

Вафодор ўзини мажбурлаб қочиб юрган эса-да, ёлғизликка сира кўниколмаётган эди. Унга соғинч ҳисси қўшилиб, вужуд-вужудини эзиб юбормоқда эди. Эгаси ёнгинасидан ўтаётганида бу туйғу бирдан аланга олди. Ўзини куч билан тўхтатиб қолмаганида истагини, албатта, амалга оширарди: Мерганнинг олдига ўйноқлаб чиқарди, эшагини тўхтатиб ўнгирига эркаланиб осиларди. Шунда у ҳам дунёни унутарди: эшагидан сакраб тушиб, ўзи учун энг хатарли ишга қўл урарди – бағрига босарди, силаб-сийпалаб эркалатарди...

Мерган ўтиб кетгач Вафодор ўзини босолмай дардли ингради. Беихтиёр бошини буғдой бошоқларидан юқорироққа кўтариб юборди. Паришон ҳолда эшагини йўрғалатиб кетаётган эгасининг ортидан шундай тикилдики, юзини кўролмаसा-да, танаси тархини гўё кўзларига умрбодга муҳрлаб олмоқчидай ва уни ўзи билан бирга абадиятга олиб кетмоқчидай эди.

Мерган шу пайтда орқасига биргина қараб қўйганида борми!

Шундай эҳтимол ҳам йўқ эмасди. Кутилмаганда у ортига ўгирилиб қолиши мумкинлигини ҳис қилиб, Вафодор жойига ётиб олди. Бошини олдинга чўзилган оёқлари устига қўйиб, таъбир жоиз бўлса, хаёлга толди ва хаёлан эгаси билан видолашди: “Алвидо! Берган тузинг ва қилган тарбиятингга рози бўл! Мендан ранжима, шундай йўл тутишга мажбур бўлиб қолдим. Алвидо, оламдаги энг яхши ва энг суюкли ОДАМ!”

Қуёш ботгунича ўрnidан қимирламади. Ҳар куни биронта қуёнми, юмронқозиқми тутиб, ўлмас овқатини қиларди. Бугун шунга ҳам рағбат сезмади. Кўз олдидан

Ўгатнинг пурвиқор тоғлари, серсув сойлари бир-бир ўта бошлади. Ана, у тепадан қўй-эчкиларнинг ҳиди анқиб келаётган ўра ичида Деҳқонбой билан кураш тушяпти. Ана, у тоғдан эниб тушган эгаси билан олишиб кетди. Ана, у баланд туятош устида қўнишиб ўтирган Мергандан кўз узмай турган одамхўр қашқирга рўбарў бўлди. Бу унинг ўз ёви билан илк учрашуви эди. Кейин Қорақуш атрофлари, Шоғишмон тоғлари, Кўкбулоқ ва бошқа жойлардаги ҳисобини ўзиям унутган қатор олишувлар...

Қуёш ботиб, атрофни ним қоронғилик чулғай бошлаганида у ўрнидан турди. Буғдойзордан чиқиб йўлни кесиб ўтди-да, қуйироқдаги бўзга ётиб олди. Бу ердан ниҳояти юз қадамча пастдан шовқин солиб, шиддат билан оқаётган Ўгатсойнинг товуши баралла эшитилади. Бу унинг безовта юрагига ором бағишлайди, ўзи ўсган жойларнинг ёқимли бўйларини келтираётгандай бўлади. Жимгина қулоқ тутиб, роҳат олади.

...Вафодор сезган ва кутган аломатлар янги чиққан ой тўрт-беш кунлик бўлганида билина бошлади. Бот-бот оғзидан сув томчилайди, аъзойи бадани тиришиб ер тимдалайди. Боши қизиб, миясида ҳам нимадир бўлаётгандай. Энди сойнинг шовқини ҳам ёқмай қолди. Кечга яқин чанқоғини босиш учун пастга тушди-ю, сувни кўриб, кўрқиб кетди. Тисланиб шоша-пиша юқорига чиққач, ортига қарамай қочдики, бу яхшилик белгиси эмасди.

Искаланиб у ёқ-бу ёққа юрди. Бурни ҳидни аввалгидай яхши ололмади. Шунда қулоқлари ҳам читирлаб кетди. У паймонаси тўлиб келаётганини пайқади. Энди фурсат ўтказиб бўлмайди. Пайсалга солиб яна бир кунни ўтказса ўзига ташланган қора ит ҳолига тушишини, бу улкан фожиага олиб боришини сезди.

Вафодор қоматини адл тутиб, атрофни хира ёритаётган ойга қаради. Унга тикилганича даштни зир титратиб увлади. Овозидаги нола ва фиғон тошларни ҳам эритар даражада мунгли эди. Гўё: “Бевафо дунё, мени ўз ҳолимча ўлишга қўймадинг! Қандайдир бир лайчани юбориб ўлдирдиг-а! – дея фиғон қилаётгандай эди. – Лекин мен мардона ўляпман, ҳеч кимга зарарим тегмади, ҳеч кимни мусибатда қолдирмадим!”

У шартта бурилди-ю, кучининг борича қудуқ томонга югурди. Етиб келиб иккиланмай

чоҳга шўнғиди. Тагидаги хас-хашаклар чириб, чанг-ғуборлар билан шиббаланган қоқ ерга боши зарб билан урилиб, ўз оғирлиги туфайли бўйнидаги умуртқа суяги ва асаб толалари узилиб кетди. Анчагача ҳушсиз ётди. Бир маҳал ўзига келиб на оёқларини қимирлата олди, на бошини; на оғриқ сизди ва на азоб. Қудуқнинг оғзидан юлдузлар жимирлашаётган ложувард осмоннинг бир бўлаги кўринди, холос.

Сойим ИСҲОҚ

“Шарқ юлдузи” журнали, 2016–5

^[1] Арлон – эркак бўри.

^[2] Гидик – кучукча.

^[3] Итқуш – бўри демоқчи (бўри деган сўзни тилга олмаслик учун шундай дейишади).

^[4] Ёввойи чўчқа овлашга мўлжалланган ўқ. Мутахассислар уни “Полев патрони” деб ҳам аташади.

^[5] Онг – овланадиган паррандалар.

^[6] Қуёнчиқ – зиқна.

^[7] Қулғана – аслида юқумли касаллик номи. Бу ерда айёр, тутқич бермас маъноларида қўлланилган.

^[8] Эки оёқли – мол ўғрилари назарда тутилмоқда.

^[9] Мечкайингдан – тафаккурингдан демоқчи.

^[10] Ҳаппой – одим, қадам (чиллик ўйинда бир билак ўлчови).

^[11] Байтар – ветеринар.

^[12] Ермой – нефтдан олинган маҳсулотларнинг халқ тилидаги умумий номи. Бу ерда керосин маъносида қўлланилмоқда.